СОВЕТ КОСМИК СТАНЦИЯСИ ВЕНЕРА ТОМОН УЧИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши
№ 33 (1811)
15 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1961 йил
Баҳоси 2 тийин

Бу учиришнинг асосий вазифалари космик объектни планеталараро трассага олиб чиқиш методларини текшириб кўришдан, ҳаддан ташқари узоқ масофаларда радио алоқалари ўрнатишни ва космик станцияни бошқаришни текшириб кўришдан, Қуёш системасининг миқёсини аниқлашдан ва космосда бир қанча физикавий тадқиқотлар ўтказишдан иборатдир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МАЛАКАЛИ РАҲБАРЛИК ҚИЛАЙЛИК

Шу кунларда бутун мамлакатимиз КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг илҳомбахш таъсири остида яшамоқда. Пленумнинг тарихий қарорлари, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқи омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ғоят кучайтириб юборди, партия ташкилотларини, барча меҳнаткашларни қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун зўр ғайрат билан кураш олиб боришга даъват этди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг иши камчиликларга нисбатан большевикларча муросасиз бўлишнинг, коммунистик қурилишнинг етилган проблемаларини ижодий ҳал қилишнинг ёрқин намунасидир. Пленум томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун партия ва совет органларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлигини анча яхшилаш, уларнинг иш услуби ва методларини такомиллаштириш, омма ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савиясини кун сайин ошириб бориш талаб этилади.

Яқинда бўлиб ўтган республика партия ташкилоти активининг йиғилиши ва область партия комитети пленуми қатнашчилари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни юксак жавобгарликни ҳис этган ҳолда зўр активлик ва ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Ҳамма нотиқларнинг сўзлари барча резервларни ишга солиш — ҳозирги пайтнинг жанговар вазифаси деган руҳ билан. Пленум қарорларини қандай қилиб яхшироқ ва тезроқ амалга ошириш ғояси билан суғорилган эди. Республика партия активининг йиғилишида ва область партия комитетининг пленумида пахтачилик соҳасидаги ишларимиз жиддий ва ҳаққоний равишда танқид қилинди.

Областнинг колхоз ва совхозлари ўтган йили давлатга атиги 374 минг тонна — пландагидан 81 минг тонна кам пахта етказиб бердилар. Етиштирилган пахтанинг миқдори фақат 1959 йилдагига нисбатангина эмас, ҳатто 1958 йилдагига қараганда ҳам анча камайиб кетди. Областнинг 31 колхози ва 9 совхози 65 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнердан ҳам ортиқ, 34 колхоз ва 4 совхоз 62,5 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15—20 центнердан пахта хосили олдилар. Айниқса Ўрта Чирчиқ, Гулистон, Сирдарё, Бекобод, Бўка, Пискент районлари ва Янгиер шаҳрининг раҳбарлари давлат планини ва олинган социалистик мажбуриятни бажаришга ўтакетган масъулиятсизлик билан қарадилар.

Ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан, пахтачиликка раҳбарлик қилиш соҳасида областимиз партия ташкилоти шаънига қилинган ҳаққоний танқиддан барча зарур хулосаларни чиқариб олиш — раҳбар ходимларимизнинг, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифаси, муқаддас бурчидир. Қишлоқ хўжалигига, дастлаб пахтачиликка қилинадиган раҳбарлик соҳасидаги бутун ишимизнинг услуб ва методларини КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари асосида тубдан қайта қуриш керак. Айрим ходимлар томонидан топширилган ишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш ҳолларига барҳам бериш, партия ва хўжалик ишининг барча участкаларида давлат ҳамда партия интизомини мустаҳкамлаш зарур.

Партия Марказий Комитетининг Пленуми ўз фаолиятсизликларини яширишга ва ишлар кўнгилдагидек деган тасаввур вужудга келтиришга интилиб, давлатни алдашдан иборат жиноий йўлга ўтган ва кўзбўямачилик ҳамда алдамчиликка йўл қўяётган айрим ходимларни қаттиқ қоралади. Яқинда область партия комитетининг бюроси мева-сабзавот ва картошка харид қилишда кўзбўямачиликка йўл қўйганликлари учун Калинин район партия комитетининг секретарлари Ғ. Мажидов ва Г. Харченко ўртоқларини ишдан олди ва уларга қаттиқ виговор эълон қилди. район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ашрафхонович бундан кейин ўз вазифасида ишлаши мумкин эмас деб ҳисобланди. Сабзавот тайёрлашда кўзбўямачиликка йўл қўйганлиги учун Тошкент мева-сабзавот трестининг бошқарувчиси ўртоқ Айрапетовга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми кўзбўямачиларга ва давлатни алдовчиларга қарши кескин кураш очишга, ҳар хил бемаъниликларни қаттиқ қоралашга, бундай тоқат қилиб бўлмайдиган ҳодисаларга қарши ғазаб туғдиришга, кадрларни ростгўйлик ва виждонли бўлиш, тобширилган иш учун юксак жавобгарлик руҳида тарбиялашга чақирди. Район ва шаҳар партия комитетларининг Пленумнинг бу кўрсатмасидан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми белгилаган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш, бу йил областимиз олдида турган ғоят катта вазифаларни ҳал қилиш учун кўклам экиш кампаниясига ҳозирдан яхши тайёргарлик кўриш ва уни зўр уюшқоқлик билан ўтказиш керак. Бироқ, очиқ эътироф қилиш керакки, айрим районлар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ўтган йилги сабоқлардан ҳозиргача тўғри хулоса чиқариб олганлари йўқ ва кўклам экишига тайёргарликни мутлақо қониқарсиз олиб бормоқдалар. Бекобод районида ернинг шўрини ювиш юзасидан белгиланган топшириқ 50 процентдан ҳам кам бажарилган. Оққўрғон, Бўка, Пискент ва Чиноз районларида ерга запас сув берилмаётир. Оққўрғон, Гулистон, Сирдарё районларида ва Янгиер шаҳрида далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ва ариқ-зовурларни тозалаш қониқарсиз, бормоқда. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекцияларининг вазифаси — январь Пленумининг қарорларига жавобан ишлаб чиқаришга ишнинг кўзини билиб моҳирлик билан малакали раҳбарлик қилишдан, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, бутун резервларни ишга солишдан кўкламни ҳар тарафлама шайланиб кутиб олишдан иборат.

«Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалалари Пленумимизда муҳокама қилинганлиги, — деди Н. С. Хрушчев, — янги ютуқларга йўл кўрсатиб берди. Пленум баъзи ўртоқларимизнинг эришилган ютуқларга асосланиб, бирмунча кибрланиб қолганликларини ва кейинги икки йилда ёмонроқ ишлаганликларини кўрсатди. Лекин нақадар бой имкониятларимиз бор! Агар биз шу имкониятлардан билиб фойдаласак, ҳамма нарсани сергаклик билан ҳар томонлама салмоқлаб кўрсак, агар биз ишимизни танқидий кўз билан қараб таҳлил қилсак, бу камчиликларни тез енгамиз ва ривожланишимиздаги янги чўққилар сари тағин ҳам бардамроқ бўлиб, тағин ҳам каттиқроқ қадам ташлаб олга борамиз.

Агар, биз, ҳаммамиз ўз вазифаларимизни тўғри тушунсак, одамларга шу вазифаларга эришиш йўлини тўғри кўрсатиб берсак, одамларни яхши танласак, шу одамларни жойжойига қўйиб, улардан тўғри фойдалансак, уларни руҳлантирсак, уларда ишонч туғдирсак, у ҳолда бу кишилар тоғни ҳам талқон қилади!

ТАСС АХБОРОТИ

Планеталараро автоматик станция белгиланган трасса бўйлаб учишни давом эттирмоқда.

Станция 1961 йил 13 февраль Москва вақти билан соат 12 да Ердан 488 минг 900 километр узоқлашиб, географик координатлари шимолий кенгликнинг 0 даража 53 минут ва шарқий узунликнинг 88 даража 2 минут бўлган нуқтаси тепасида учиб бормоқда эди. Станция осмоннинг Кит ва Балиқлар юлдузлар туркуми чегарасида, Овеннинг бетаси, Пегаснинг альфаси ва Китнинг бетаси юлдузлар ташкил қиладиган уч бурчак марказида жойлашган қисмида учиб бормоқда эди.

Ўтказилган траектория ўлчовлари оғир сунъий йўлдош Ер теварагидаги ҳисоблаб қўйилган орбитага ғоят аниқлик билан чиқарилганлигини кўрсатди; йўлдош учирилган космик ракета планеталараро автоматик станциянинг Венера планетаси томон учиш траекториясига аниқ чиқарилишини таъминлади.

Венера траекториясига чиқиш пайтида автоматик станциянинг учиш тезлиги иккинчи космик тезликдан ошиб кетган эди. Шундан кейинги учишда планеталараро станциянинг тезлиги Ер тортув кучининг таъсири остида пасаяди. 13 февраль соат 12 га қадар станциянинг Ердан узоқлашиш тезлиги секундига 4,050 метрни ташкил этди. Бир неча кундан кейин планеталараро автоматик станциянинг учиши секундига тўрт километрдан сал камроқ тезликда бўлиб, у, Ернинг тортув кучи таъсири доирасидан чиқади.

Планеталараро автоматик станция ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик нурларни, магнит майдонларини, планеталараро моддаларни тадқиқ қилиш ва микрометеоритлар билан тўқнашишларни қайд қилиш учун мўлжалланган.

Аппаратларнинг ишлаш шароитини таъминлаш учун планеталараро станция ичидаги ҳарорат ҳароратни тартибга соладиган система ёрдами билан белгиланган даражада сақланиб турибди.

Станция ичида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган радиотехника системаси ўрнатилган:

— Станциянинг Ерга нисбатан ҳаракат параметрларини ўлчаш;

— станция ичидаги илмий аппаратлар ўтказган ўлчовларнинг натижаларини Ерга етказиш;

— Бортдаги системалар ва агрегатларнинг ишлаш режими ҳақидаги маълумотларни Ерга етказиш.

Алоқа сеанслари вақтида станция ичидаги аппаратларни таъминлаш токнинг кимёвий манбаъларидан амалга оширилмоқда, учиш жараёнида энергия Қуёш батареяларидан тўхтовсиз тўлдирилиб турибди. Қуёш батареяларидан энг кўп энергия олиш учун уларни доимий нурлар билан таъминлаб туриш Қуёш томон тўғрилаш системаси билан бажарилмоқда.

Станция учирилгандан кейин планеталараро автоматик станция билан икки алоқа сеанси амалга оширилди. Бу сеанслар вақтида траектория ўлчовлари ўтказилди ва кўпгина радиотелеметрик ахборотлар олинди.

Ўлчов марказида олинган маълумотларга кўра, планеталараро станция ичидаги ҳамма системалар программага мувофиқ ишлаб турибди. Кейинги сеанс вақтида станция ичидаги ҳарорат цельсий билан плюс 20 даражани ташкил қилди. Қуёш батареялари Қуёшга нисбатан тўғри қаратилган бўлиб, зарур токни бериб турган.

Олинган телеметрик ахборотни ишлаш давом эттирилмоқда.

Планеталараро автоматик станция билан беш кунда бир марта алоқа қилиб туриш мўлжаллаб қўйилди.

Станциянинг бундан кейинги ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ва ўлчовларнинг натижалари ҳафтада бир марта бериб борилади.

Планеталараро автоматик станциянинг Венера (Зуҳра) планетаси томон учирилганлиги ҳақидаги хушхабар пойтахтимиз меҳнаткашларини жуда қизиқтирмоқда. Суратда: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика институтининг ходимлари З. Азизова, М. Маслов, Х. Хожиёров ўртоқлар совет фани ютуқлари ҳақида мароқ билан суҳбатлашмоқдалар

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆

АЖОЙИБ МЎЪЖИЗА

— Венера планетасига учирилган планеталараро янги совет станцияси учиш траекториясининг мўлжали космик нишонларнинг аниқлигига ажабланишга одатланмаган ҳатто биз математикларни ҳам жуда ҳайратда қолдирди, — деди эҳтимоллик назарияси кафедрасининг мудири, Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси С. Сирожиддинов ТАСС нинг сўнгги ахбороти муносабати билан. — Планеталараро янги совет станцияси Ердан эмас, балки Ернинг сунъий йўлдошидан учирилди.

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими математика институти дифференциал тенгламалар бўлимининг мудири, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. В. Бицадзе Сироджиддиновнинг шахсий меҳмони сифатида Тошкентга келди.

— Бундан икки йил муқаддам, — деди у,— мен ўзимнинг ана шу ўзбекистонлик ҳамкасабам билан биргаликда илмий командировка билан Англияда бўлган эдим. Шунда биз буржуа газеталари АҚШ нинг Венерага ракеталар учириш планлари ҳақида шовқин-сурон кўтарганликларининг гувоҳи бўлдик. Лекин биз коммерсантлар шовқин-сурон кўтарган жойда фанда жимжитлик ҳукм суришини биламиз. Америка планларни амалга ошмай қолди. Тадқиқот лабораторияларида ишлаб чиқилган бизнинг режаларимиз эса зўр муваффақият қозонди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

МОСКВА, 13 февраль. (ТАСС). Шу кунларда Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасининг халқлари дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасида тузилган шартноманинг ўн бир йиллигини тантанали суратда нишонламоқдалар. Бу воқеа абадий ва бузилмас дўстликнинг маҳкам алоқалари билан боғланган ҳар иккала қардош халқнинг улкан ва шодиёна байрамидир.

Ана шу шонли воқеа муносабати билан Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Лю Сяо бугун катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида А. Н. Косигин, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев ўртоқлар ҳозир бўлдилар. Улар ўз номларидан ҳамда совет халқлари номидан ўртоқ Лю Сяони байрам билан табрикладилар ва социализм қурилишида қардош Хитой халқига янги муваффақиятлар тиладилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлганлар совет раҳбарларини гулдурос овация билан кутиб оладилар.

Қабул маросими вақтида Лю Сяо, М. А. Суслов ўртоқлар ва Хитой-Совет дўстлиги жамияти делегациясининг бошлиғи Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитети бош секретарининг ўринбосари Чжан Су дўстона нутқ сўзладилар.

Лю Сяо, М. А. Суслов ва Чжан Су ўртоқларнинг нутқлари бу ерда ҳозир бўлганлар томонидан зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Қабул маросими самимий дўстлик вазиятида ўтди.

УЗБЕКИСТОННИНГ ЧАҚИРИҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

МИНСК, 13 февраль. (ТАСС). Белоруссия халқ хўжалиги кенгаши ходимлари активининг бугун ўз ишини тамомлаган кенгашининг қатнашчилари Литва ва Сталинград халқ хўжалиги кенгашлари билан мусобақани бундан кейин ҳам давом эттириш ҳақидаги таклифни маъқуллаб, Ўзбекистон билан мусобақа бошлаш ҳақидаги чақириқни қабул қилдилар. Саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXII съездини маҳсулотларнинг 114 янги хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан нишонлашга қарор қилдилар. Конвейерлардан тракторлар, автомобилларнинг, автоматик линиялар ва станокларнинг янги марказлари чиқарилади.

КПССнинг XXII съезди очиладиган кунга — 1961 йил 17 октябрга қадар Белоруссия меҳнаткашлари халқ хўжалигига пландан ташқари 100 трактор, 80 юк автомобили, 200 тонна ғўшт, 350 тонна мол ёғи, 1,6 миллион банка консерва берадилар.

Саноат ходимлари йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар.

Кенгаш ишида Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Т. Мазуров қатнашди.

Оқ йўл!

(ЗУҲРА ПЛАНЕТАСИГА ЙЎЛ ОЛГАН СОВЕТ КОСМИК РАКЕТАСИГА)

Хабарингни эшитдим-у,
Қалбга тўлди фахр-ғурур.
Оқ йўл сенга, космик кема,
Фазоларга қил парвоз.
Асрий сукут оламида,
Қанотингни кер мағрур,
Уша узоқ Зуҳра йўли,
Йўлларингга пойандоз

Уч, учабер, қудратингдан,
Юлдузлар ҳам эгсин бош.
Сенда фан-у, техникамиз —
Ақл-идрок муштарак.
Бизнинг ақлу-заковатдан,
Ҳайратда қолсин қуёш,
Сен гўёки, олға кетган,
Разведкачи — довюрак.

Сен халқимнинг фазоларга,
Чўзилган чўғ қўлисан.
Меҳнат, ижод юлдузисан,
Қойил сенга осмон.
Коинотга одам очган,
Сўқмоғисан, йўлисан.
Эрта-индин, фурсат яқин
Изингдан учар инсон.

Уч, учабер, сен саодат —
Эрк, маърифат элчиси.
Сенга оқ йўл, зўр сафаринг,
Бўлажакдир бехатар.
Сен— кучимиз, қудратимиз,
Зафаримиз куйчиси,
Идрокимиз, онгимиздан
Коинотга бер хабар!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ДАҲОСИ

Совет олимлари ва инженер-техник ходимлари она-Ватанимиз шоншуҳратини оширишга йўлида ажойиб мўъжизалар яратмоқдалар. Бундан бир неча кун олдин фазога гигант йўлдош парвоз қилдирилган эди. Кечагина эса кашф қилинган космик ракета парвоз қилиб, планеталараро автоматик станцияни Венера-Зуҳра планетасининг траекториясига олиб чиқди.

Эндиликда инсоннинг космоса учиши муқаррар бўлиб қолди. Чунки, ҳозир Венера планетасининг траекторияси бўйлаб парвоз қилаётган автоматик станция инсониятнинг неча асрлардан бери планеталарга учиш ҳақидаги орзуси амалга ошажагидан далолат бериб турибди.

Совет кишисининг ижоди ва ақлзаковати туфайли бирин-кетин қўлга киритилаётган улкан ютуқлар бизни янада яхшироқ, самаралироқ ишлашга руҳлантиради.

М. АЛИЕВА,
Тошкентдаги 159-мактаб ўқитувчиси.

ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

Ернинг орбитага чиқарилган оғир сунъий йўлдошлик планеталараро автоматик станция Венера планетаси томон учиб кетганлиги ҳақидаги хушхабар биз, студентларнинг шодлигимизга-шодлик қўшди. Бу қувончли воқеа барча совет кишилари қатори университетимиз қучоғида билим олаётган кўп миллатли студент ёшларни фан чўққиларини янада чуқурроқ эгаллашга илҳомлантириб юборди.

Жаҳонда энг илғор совет фани ва техникаси яна бир жаҳоншумул муваффақиятни қўлга киритди. Планеталараро автоматик станция СССР Давлат гербининг тасвири туширилган вимпелни олиб учмоқда. Олимларимиз, инженерларимиз ва техникларимизнинг ақл-заковати билан яратилган бу ракета бутунлай бошқа бир оламга қараб елиб бормоқда. Биз бу ракетанинг Венера районига етиб бориши учун унга оқ йўл тилаймиз.

Т. ОЛЛОБЕРГАНОВА,
Тошкент давлат университетининг студенти.

КОММУНИЗМ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ БУЮК ИШЛАРИНИ ЁРҚИН ТАРАННУМ ҚИЛАЙЛИК

ИЖОДИЙ ХОДИМЛАР РЕСПУБЛИКА АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорлари Ўзбекистоннинг ижодий зиёлилари учун қудратли илҳом манбаи бўлди. Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, артистлар, журналистлар жонажон партиянинг съездини ғоявий жиҳатдан юксак ва бадиий жиҳатдан мукаммал янги асарлар яратиш билан нишонлашга интилмоқдалар.

Республика адабиёт ва санъат арбоблари кўп минг кишилик армиясининг вакиллари ўз планлари билан ўртоқлашиш, етти йилликнинг қаҳрамонона одимларини бадиий акс эттиришга доир актуал проблемаларни муҳокама қилиш учун 14 февралда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залига тўпландилар.

Ижодий ходимлар республика активининг йиғилиши президиумида — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Ғ. Ф. Наймушин, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат К. М. Муртазоев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, танқили адабиёт ва санъат арбоблари, ижодий союзлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўтирибдилар.

Атоқли ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми гулдурос қарсаклар билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

Партия XXII съездини муносиб кутиб олиш ва КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини бажариш соҳасида Ўзбекистон ижодий ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидовга** сўз берилади.

Докладчи партиянинг навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисида, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари ҳақида қарор қабул қилган КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми коммунистик жамият қуриш йўлида муҳим давр бўлди, деб таъкидлайди. Ўзбекистон халқ хўжалигини ва унинг энг муҳим тармоғи — пахтачиликни янада ривожлантиришнинг ажойиб истиқболларини кўрсатувчи кўпгина рақамлар келтирилади. КПСС Марказий Комитетининг қарорларида қўйилган вазифаларни ҳал этишда ижодий ходимлар катта ва масъулиятли роль ўйнайди.

Партиянинг доимий ғамхўрлиги ва эътиборидан илҳомланган республика адабиёт ва санъат ходимлари кейинги йилларда кўпгина катта асарлар яратдилар. Ўзбекистоннинг ижодий зиёлилари Москвада бўлиб ўтган декададан ҳаётимизни абадий сақланиб қоладиган воқеа ва ҳодисаларга кўпинча эътибор бермайдилар. Адабиёт ва санъатда Катта Фарғона канали, Фарҳод гидроэлектростанцияси қурувчилари тўғрисида бирорта ҳам катта асар йўқ. Ҳозирги кунда қўриқ ерларга кенг фронт бўйлаб ҳужум қилинмоқда. Мирзачўл богу-бўстонга айланмоқда, аммо ёзувчиларнинг бу буюк жараёнга зўр қизиқиш билан қараши сезилмаётир. Ваҳоланки, газ қувури қурилишининг қаҳрамонона эпопеяси санъаткор учун қанчалик катта илҳом манбаи бўлиши мумкин! Бундай темалар кўп. Ҳаёт жўш уриб турган, меҳнат зафарлари қўлга киритилаётган, меҳнатда янги киши характери тобланаётган жойга бориш керак.

Докладчи ижодий зиёлилар турли отрядларининг фаолиятини анализ қилиб таъкидлайдики, зиёлиларнинг намоёндалари халқнинг хотирасида абадий сақланиб қоладиган воқеа ва ҳодисаларга кўпинча эътибор бермайдилар. Адабиёт ва санъатда Катта Фарғона канали, Фарҳод гидроэлектростанцияси қурувчилари тўғрисида бирорта ҳам катта асар йўқ. Ҳозирги кунда қўриқ ерларга кенг фронт бўйлаб ҳужум қилинмоқда. Мирзачўл богу-бўстонга айланмоқда, аммо ёзувчиларнинг бу буюк жараёнга зўр қизиқиш билан қараши сезилмаётир. Ваҳоланки, газ қувури қурилишининг қаҳрамонона эпопеяси санъаткор учун қанчалик катта илҳом манбаи бўлиши мумкин! Бундай темалар кўп. Ҳаёт жўш уриб турган, меҳнат зафарлари қўлга киритилаётган, меҳнатда янги киши характери тобланаётган жойга бориш керак.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Гидромеханизаторлар аҳди

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). Оҳангарон кўмир разрезида гидробойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Реконструкция қилиш ишлари тугалланганидан кейин фабрика соатига 500 киловатт электр энергиясини тежаш имкониятига эга бўлади.

Разрез гидромеханизаторлари КПСС XXII съезди шарафига сув ёрдамида ойига плондан ташқари 300 тоннадан бойитилган кўмир қазиб чиқариш мажбуриятини олдилар.

КОММУНИЗМ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ БУЮК ИШЛАРИНИ ЁРҚИН ТАРАННУМ ҚИЛАЙЛИК

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Таржималар сифати масаласини жиддий қўйиш керак. Китоб пропагандаси ишини ҳам яхшилаш зарур. Санъат арбоблари олдига каттароқ талаблар қўйиш лозим. Республиканинг кўпгина театрларида, айниқса область театрларида репертуар афсонавий мазмундаги пьесалар билан, узоқ ўтмиш ҳақида ҳикоя қилувчи пьесалар билан тўлиб кетган. Бизнинг киностудиямиз аввалдагидек ҳозир ҳам томошабинлар олдида қарздор бўлиб қолмоқда, республиканинг етакчи ёзувчиларини сценарийлар устида ишлаш учун етарлик жалб этмаётир. Ўзбекистон рассомлари ҳозирги замонга бағишланган тематик картиналар яратишдаги қолоқликни охиригача тугатганлари йўқ. Адабий ва бадиий танқидчиликнинг ролини ва савиясини ошириш керак.

Халқнинг шу кунги ҳаёти билан қизиқувчи санъат ҳозирги замонни энг яхши акс эттира олади. Санъаткорнинг ўткир асарида замон нафаси, замонамиз қаҳрамонининг фикрлари, туйғулари, ишлари ва интилишлари абадий сақланиб қолиши лозим.

Санъаткорнинг ёлғиз оперативлиги, ҳозирги замоннинг актуал темасини кўтариш истагигина кифоя қилмайди. Шошма-шошарлик кўпинча асарнинг хом бўлишига олиб келади. Бадиий маҳоратни ошириш масалалари билан жиддий шуғулланиш керак.

Гарчи, бизнинг адабиётимизда ёш ёзувчиларнинг анча ўсиб бораётганлиги сезилса ҳам, дейди сўнгра докладчи, улар кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Маълумки, ҳар бир катта олимнинг ўз шогирдлари бўлади, у фаннинг янада равнақ топиши учун ўз шогирдларини тарбиялаб ўстиради. Нима учун адабиёт ва санъатимизда ёшлар ҳақида бундай ғамхўрлик қилиш ҳоллари камдан-кам учрайди? Ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиш — санъаткорларимизнинг бурчидир.

Сўз санъаткорлари ва рассомларнинг, саҳна ва кино усталарининг, музикачи ва композиторларнинг ижодий муваффақияти аввало, уларнинг марксизм-ленинизм таълимотини қандай эгаллаётганликларига, ўз фаолиятларида социалистик реализм методига қанчалик амал қилишларига боғлиқдир. Социалистик реализм эса ҳаётга актив кириб боришни, курашнинг олдинги сафида бўлишни, янги, илғор ташаббусни ҳамиша пропаганда қилишни, партия, халқ ва давлат манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйишни талаб этади. Ижодий ходимлар ҳамиша ва ҳамма ишда камтар бўлишлари лозим. Ҳолбуки, манманликка берилиб кетиб, жамоатчиликнинг ва бирга ишлаётган ўз ўртоқларининг фикри билан ҳисоблашмайдиган, ўзларига нисбатан қандайдир алоҳида эътибор талаб қиладиган ва ўзларининг хом асарларини ҳамма ерда босиб чиқаришга тайёр бўлган кишилар ҳали ҳам учрайди. Мансабпарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бориш, кишиларни камтарлик ва меҳнатсеварлик руҳида, коллективизм ва ўзаро ёрдам руҳида тарбиялаш керак.

Бундан буён ҳам халқларнинг бузилмас дўстлигини куйлаш ва шарафлаш, унинг улуғ кучини ёрқин акс эттириш, меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда партияга ёрдам бериш — бадиий зиёлиларимизнинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Ўзининг жонажон партияси ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган совет халқи, дейди пировардида докладчи, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олишга интилмоқда. Шонли ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар билан бирга ижодий зиёлиларимиз ҳам партия съездига тайёргарлик кўрмоқдалар. Буюк ишлар билан бой бўлган ҳаётимизни чуқур ва ростгўй акс эттирадиган, замондошимизнинг руҳини, янги кишиларнинг қаҳрамонона характеридаги гўзалликни бадиий тарзда ҳаққоний очиб берадиган янги ёрқин асарлар яратиш билан съездни нишонлаш — илҳомбахш ва олижаноб мақсаддир.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг биринчи секретари **К. Яшин** минбарга чиқади. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми, дейди у, биздан ижодий масалаларни ҳал этишга янгича ёндошишни талаб қилади. Республика ёзувчилари партия ва халқ олдидаги ўз масъулиятларини сезганлари ҳолда коммунистик қурилиш ишига кўпроқ ҳисса қўшишга астойдил интилмоқдалар. Биз замондошимизнинг руҳини очиб берадиган, янги кишининг қаҳрамонона характеридаги гўзалликни кўрсатадиган бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратишни ўз бурчимиз деб биламиз. Бу — адабиётимизни ривожлантиришнинг бош йўлидир.

Нотиқ адибларнинг ишлари ва планлари ҳақида гапириб, ёзувчилик маҳорати масалаларига тўхталади. Ҳозирги замоннинг тўлқинлантирувчи темаларидан узоқда бўлган хира, етарлик ишланмаган асарларнинг пайдо бўлиб туришига тоқат қилиш мумкин эмас. Болалар адабиётидаги жиддий қолоқликни тугатиш, драматургияни янги юксакликка кўтариш керак.

Партиямиз Марказий Комитети тарихий январь Пленумининг ижодий ходимлар учун аҳамияти ва маъноси, дейди СССР халқ артисти **С. Эшонтўраева**, қисқача айтганда, ҳозирги куннинг гўзаллигини ёрқин тараннум этишдан иборатдир. Гўзаллик эса — коммунизм қурувчи халқнинг ҳаётидир.

Ўртоқ Эшонтўраева йиғилиш қатнашчиларини Тошкент театрларининг ижодий планлари билан таништириб, уларнинг репертуарига совет кишиларининг ҳозирги ҳаётини, Коммунистик партиянинг ҳаётбахш идеяларини куйлайдиган янги пьесалар киритилаётганлиги ҳақида гапиради.

Ўзбекистон композиторлар союзининг раиси **С. Бобоев** республиканинг етакчи композиторлари партиянинг бўладиган съезди шарафига ҳозирги замоннинг энг муҳим темаларига бағишланган канталар, ораториялар симфониялар ва бошқа жанрдаги музика асарлари яратиш устида ишлаётганликларини айтди.

Композиторлар ва музикашунослар партиянинг музика таълимини ва музика санъатини янада ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажара бориб, республика мактаблари учун музика дарсликлари ва программаларини тайёрлашда актив қатнашмоқдалар. Бироқ, бу ишларнинг ҳаммаси етарлик эмас, албатта. Союз область театрларига, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари коллективларига ёрдамни кучайтириши лозим. Оммавий қўшиқдек муҳим жанрга жуда катта эътибор бериш керак.

Самарқанддаги рус драма театрида ишловчи республика халқ артисти **Н. И. Мартинова** Ўзбекистон ёзувчиларига мурожаат қилиб, уларни театрларнинг ижодий коллективлари билан алоқани мустаҳкамлашга, репертуарни янги актуал пьесалар билан бойитишда саҳна усталарига актив ёрдам беришга даъват этади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари бизларни янги ижодий муваффақиятларга илҳомлантирмоқда, дейди Ўзбекистон Рассомлар союзининг раиси **И. Икромов**. Кўпгина рассомлар донгдор пахтачилик усталарининг тажрибасини пропаганда қиладиган жанговар жанрдаги плакатлар ва бошқа асарлар чиқаришга киришдилар. Ношуд ходимларни, дабдабабозларни ва маҳмадоналарни танқид қиладиган сатирик суратлар тайёрланмоқда. Экиш кампанияси даврида ўнлаб рассомлар далачилик бригадаларига, ҳосил тақдири ҳал қилинадиган жойга жўнаб кетадилар. Турмуш билан маҳкам боғланиш кўпгина рассомлар учун қонун бўлиб қолди. Лекин бу соҳада фақат дастлабки қадамлар қўйилди. Олдимизда замонамиз қаҳрамонларининг образларини тасвирлайдиган картиналар яратишдан иборат катта иш турибди.

Ўзбекистон ССР Маданият министри **С. М. Мухамедов** республика театр санъати ва кино арбобларининг, жуда кўп маданий-оқартув муассасалари ходимларининг жонажон партия XXII съездини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олишга қизғин интилаётганликлари ҳақида гапириб берди. Ижодий ходимлар ўз фаолиятларига танқидий баҳо бериб, ўз ишларидаги ижобий томонларни кўриш билангина чекланиб қолмай, мавжуд нуқсонларни ҳам очиб ташламоқдалар, камчиликларга тезроқ хотима бериш, турмушнинг тобора ўсаётган талабларини яхшироқ ва тўлароқ қондириш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар.

Ўртоқ Муҳамедов ўз сўзида театр билан драматургнинг алоқасини янада мустаҳкамлаш, музика санъати формаларини такомиллаштириш ва жанрларини кўпайтириш масалаларига, жумладан, оммавий қўшиқлар ва хор асарлари яратиш проблемаларига катта эътибор берди. «Ўзбекфильм» студиясининг ишини яхшилаш учун анча ишларни қилиш керак.

Совхозимизга келинглар, дейди «Оққўрғон» совхозининг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Т. Алижонов**, адибиёт ва санъат арбобларига мурожаат қилиб. Бизлар билан бирга бўлинг, сизларни албатта илҳомлантирадиган ажойиб ишларни кўрасиз, яхши темаларни топасиз. Тошкент тўқимачилик комбинати ип фабрикасининг ишчиси **М. Саломова** ҳам шундай истак билдиради.

Ёзувчи **М. Шевердин** коммунистик жамият қураётган совет кишиларининг жўшқин ижодий фаолияти адиблар учун мислсиз кенг майдон очиб бераётганлигини таъкидлайди. Халқ иродаси ва ғайрати билан очилаётган Ўзбекистон қўриқ ерлари пахтакорлар томонидангина эмас, ёзувчилар томонидан ҳам ўзлаштирилиши керак. Мисол учун: инсон ва саҳро деган темани олиб кўрайлик. Бу темадан ҳам романтикроқ ва мароқлироқ тема бўлиши мумкинми. Бутун мамлакат етти йиллик суръатларини жадаллаштиришнинг янги резервларини қидираётган ҳозирги пайтда ёзувчилар ва санъат арбоблари ҳам ўз ижодий резервларини ишга солишлари, партия чақириғига, халқ талабига лаббай деб жавоб беришлари керак.

Ўзбекистон ижодий ходимлари республика активи йиғилишида кўтарилган проблемалар ҳозир мамлакатдаги барча ёзувчилар ва шоирларни, барча санъат арбобларини тўлқинлантирмоқда, дейди таниқли рус шоири **М. К. Луконин**. Луконин Тошкентга Ҳамза юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун москвалик адибларнинг бир группаси билан келган эди. Партия, дейди у, адиблардан кўп нарсани кутмоқда. Бинобарин, улар турмушдан орқада қолмасликлари керак. Ўзбекистон ёзувчилар учун ажойиб ўлкадир. Бу ерда кўкрагига Олтин юлдуз таққан қанчадан-қанча қаҳрамонлар бор. Бу кишилар адабиётда ҳам қаҳрамон бўлишларига эришмоқ керак.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга баланд руҳ билан табрикнома текстини қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Тошкент қурилишларида

ШАҲАРЧА БАРПО ЭТИЛЯПТИ

Виставка майдонининг қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Бу ерда кенг кўламда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Йиллар ўтиб бу кенг майдонда Тошкент олий ўқув юртлари шаҳарчаси бунёд этилади, университет ва институтларнинг замонамизнинг гўзал архитектураси асосида қурилган муҳташам бинолари қад кўтаради. Дастлаб, бўлажак шаҳарчанинг тўнғич ва энг йирик биноси — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг корпуслари қурилади.

Биринчи навбатда студентлар учун ётоқхоналар фойдаланишга топширилади. Ҳар бири 400 дан ортиқ кишига мўлжалланган бундай ётоқхоналарнинг ташқи ва ички кўринишлари гўзаллиги, шинам ва ёруғлиги билан бошқалардан ажралиб туради, студентларнинг маданий ва маиший ҳордиқ чиқаришлари, дарс тайёрлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилади. Бундан ташқари, ўқиш корпуслари, лабораториялар, спорт саройи ва майдони, кинотеатр, парк, медицина муассасалари бэрпо этилади...

Бир группа кишилар ғишт теришмоқда. Нариқроқда эса бетончиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Машиналар темир-бетон деталлари, ғишт, тахта-ёғоч ташиб турибди. Барча касбдаги бинокорлар зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

— Вазифамиз шарафли. Шаҳарчанинг дастлабки ғиштларини қўйиш бизга юклатилди. Ана шу шарафли топшириқни сифатли бажариш учун астойдил интилмоқдамиз, — дейди ғишт терувчилар бригадири ўртоқ М. Шодибеков.

Малик Шодибеков бошлиқ бригада аъзолари биринчилар қатори коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун кураш бошлаб юбордилар. Улар ишда, юриш-туриш ва ахлоқда ўз касбдошларига ўрнак бўлишга аҳд қилишган эди. Пешқадамлар берилган сўзнинг устидан чиқишди. Смена топшириқларини доим икки бараварга етказиб бажаришди. Ўз билим доираларини кенгайтириш устида қунт билан ишлашди.

Зиммасига олган мажбуриятларни ошириб бажарган бу бригадага ҳаммадан илгари коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. Бу, ғишт терувчиларини янада руҳлантириб юборди.

КПССнинг XXII съездини чақириш ҳақидаги хушхабар янги шаҳарча бунёд этаётган бинокорларни меҳнат зафарларига отлантирди. Улар съездни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Ётоқхона биносининг биринчи корпусини I Май байрамигача фойдаланишга топшириш, қолган корпусларни эса янги ўқув йили бошланишигача қуриб битказишга аҳд қилишди.

Бу мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишига халақит бераётган айрим камчиликларни кўрсатиб ўтиш лозим. Бинокорлар қурилиш материаллари етказиб беришнинг қониқарсиз аҳволда эканлигидан ҳақли равишда ранжимоқдалар.

— Одатда кўп қаватли катта биноларга, — деди ўртоқ М. Шодибеков, — 100 маркали ғиштлар терилиши керак. Биз 50—60 маркали ғишт тераяпмиз. Бу, шубҳасиз, қурилишнинг сифатига таъсир этади. Бу ҳақда 3 ва 4 ғишт заводлари бошқармаларига бир неча бор мурожаат қилдик. Улар қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Графикка асосан қурилишга ҳар куни 20 минг ғишт келтирилиши керак. Шу кунларда эса атиги — 4—5 минг, нари борса 7—8 минг ғишт етказиб берилмоқда. Натижада бинокорлар кўпинча қимматли иш вақтини бекор ўтказишади, бошқа ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлишади. Темир-бетон плиталари, панелларнинг ҳам сифати жуда паст. Қаватлар орасига қўйиладиган плиталар стандартда белгиланганидек эмас. Шунинг учун уларни бир-бирига пайвандлаш вақтида катта қийинчиликлар туғилмоқда. Бир плита кенг бўлса, иккинчиси тор бўлади. Айрим плиталар сифатсизлигидан қурилиш майдонига етиб келгунча синиб кетмоқда ва брак бўлмоқда. Қурилишга темир-бетон деталлари, плита ва панеллар етказиб бераётган Тошкентдаги 2-темир-бетон заводи раҳбарлари бу камчиликни билатуриб, уни бартараф қилишга эътиборсизлик билан қарашмоқда.

Қурилиш ишлари суръатини ошириш, сифатини яхшилаш, бинокорларнинг унумли ишлашларини таъминлаш учун ана шу юқорида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилиш керак.

С. НОРМУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Лумумба қотиллари жавобгарликка тортилсин!

☆ ☆

Жиноятчилар жазодан қочиб қутила олмайдилар

Бельгиялик мустамлакачиларнинг қонхўр агентлари Конго қонуний ҳукуматининг бошлиғи Патрис Лумумбани ҳамда унинг сафдошлари Морис Мполо ва Жозеф Окитони ўлдирганликлари ҳақидаги қайғули хабарни Ўзбекистон геологларининг коллективлари ғазаб ва норозилик билан қарши олдилар. Улар империализм малайларини қаттиқ қоралаб, бу жиноятнинг ташаббусчилари халқларнинг адолатли ҳукмидан қочиб қутила олмайдилар, деб қатъий ишонч билдирмоқдалар.

— Ўз иззатини ва озодлигини қадрловчи ҳамманинг эътибори Конгода рўй бераётган воқеаларга қаратилган,— деди геолог инженер Саид Алихўжаев, — Чомбе—Мобуту — Касавубу тўдасидаги фашист жаллодларнинг эркесвар Конго халқи қаҳрамонидан қонли ўч олганликлари мустамлакачиларнинг Африкадаги ўз имтиёзларини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай жиноятлардан қайтмаётганликларини яна бир марта кўрсатиб турибди. Лекин халқлар биладиларки, мустамлакачиликнинг сўнгги соати келди ва тараққиётнинг зафарли қадамини ҳеч қандай қора кучлар тўхтата олмайди.

Ўзбекистон ССР Геология ва ер ости бойликларини қўриқлаш Бошқармасининг бош геологи В. Г. Гарьковец, Франс Пресс агентлиги Элизабетвиль мухбирининг хабари билан танишиб чиқиб, бундай деди:

— Мустамлакачилар ва уларнинг шериклари Конго халқининг «дўсти» бўлиб кўриниш учун кийган ниқобларини олиб ташладилар. Қаҳрамон ва ватанпарвар Патрис Лумумба ўлдирилди. Бу мислсиз зўравонлик ҳаракати ўлдиришнинг бевосита ташкилотчилари устигагина эмас, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари Даг Хаммаршельднинг устига ҳам ювилмас доғ бўлиб тушади. Хаммаршельд аслда, Конгодаги ҳамма қора кучларга эркинлик бериб қўйди. Жиноятчилар жазодан қочиб қутила олмайдилар. (ЎзТАГ).

ЛАЪНАТЛАР БЎЛСИН!

Кечагина Конгода юз берган фожиали воқеа ҳақидаги хабар бир зумда бутун дунёга тарқалди. Биз ҳам барча совет кишилари қатори Бельгиянинг собиқ мустамлакаси бўлган Конгодаги воқеаларни, Конго халқининг ўз озодлиги учун олиб бораётган қаҳрамонона курашини зўр ҳаяжон билан кузатиб бормоқдамиз Конго республикасининг бош министри Патрис Лумумба ва унинг сафдошларидан қонли ўч олинди. Бу билан мустамлакачилар Конго халқига ва Африкадаги барча халқларга қарши яна бир оғир жиноят қилдилар. Бу жиноят учун бельгиялик мустамлакачилар, унинг иттифоқчилари ва Чомбе, Мобуту, Касавубу ҳамда Калонжи қўғирчоқ тўдалари бутун инсоният олдида жавобгардирлар.

Мустамлакачилар Патрис Лумумба ва унинг сафдошларини йўқ қилиш билан Конго халқининг ўз озодлиги учун олиб бораётган курашини бўғиб ташламоқчи бўлди. Аммо улар чучварани хом санабдилар. Лумумбанинг номи Африка халқлари учун озодлик ва мустақиллик йўлидаги кураш символи бўлиб қолади. Унинг ўлими Конго халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашини тўхтатмайди, балки аксинча бу курашни янада янги куч билан авж олдириб юборади. Бу курашда Конго халқи албатта ғалаба қозонади, мустамлакачиларни эса тарих умрбод лаънатлайди.

А. БАХТИНОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси.

Атом изотопли асбоб

Бундан бир неча ой муқаддам «Ўзбекоргэнерго» ҳузурида марказий илмий-текшириш ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этилган эди. Лаборатория коллективи зиммасига республика халқ хўжалигини ривожлантиришда атом энергиясидан фойдаланиш йўлларини қидириб топиш вазифаси юклатилган эди. Ёш коллектив қисқа вақт ичида атом изотопларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим масалаларни ижобий ҳал қилди.

Масалан, землесос установкаси ишини кузатиб борувчи ҳамда лойқанинг зичлигини аниқловчи атом изотопли асбоб тайёрланди. Ҳозир бу асбоб Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари виставкасида намойиш қилинмоқда.

Лаборатория ходимлари шу кунларда ҳам илмий изланишни давом эттирмоқдалар. Улар сутдаги ёғ миқдорини ўлчайдиган, автоматлашган ғишт заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ҳисобловчи асбобларни яратишга бел боғлашди.

Қ. ОДИЛОВ,
«Ўзбекоргэнерго» техника бўлимининг бош инженери.

«Ўзбекхиммаш» заводининг токари Мансур Илёсов партия XXII съезди очиладиган кунгача бир ярим йиллик нормани бажаришга аҳд қилди. Сўзи билан иши бир бу йигит шу кунларда топшириқни 180 процентга етказиб адо этаётир. У тўрт касбни эгаллаган. Суратда: ўртоқ М. Илёсов иш устида.

О. Левак фотоси.

Давримиз қаҳрамонлари

НЕЧА ҚАЛБЛАРНИ ЕРИТГАН ЙИГИТ

Мана шу суратдаги йигит— Самат Раҳмонов. У давримиз қаҳрамонларидан бири. Унинг ҳаёти ва фаолиятидан бир неча лавҳаларни ҳикоя қилиб берсак, ҳурматли газетхон ҳам фикримизни тасдиқласа ажаб эмас.

... 1953 йил. Оҳангаронда Ўрта Осиё саноати гигантларидан — ер ости газ станцияси ва Ёқилғи электростанцияси қурилиши бошланган пайт. Республика газеталарида Оҳангарон комсомолларининг: «Катта Оҳангарон шаҳрини қуришга келинглар» деган чақириғи эълон қилинди. Бу чақириқни ўқигач, Самат Оҳангаронга йўл олди. У ер ости газ станциясини қураётган трестнинг 2-участкасига ғишт терувчи бўлиб ишга кирди.

... 1956 йил. Тўрт йилдан буён нормани сурункасига 200-250 процентга етказиб бажариб келаётган илғор ғишт терувчи, бетончи ва дурадгор Раҳмонов бир хил ишга ихтисослашган бригадаларни комплекс бригадаларга айлантиришни таклиф этди. Раҳбарлар унинг таклифи самарали натижа беришига ишонинқирашмади. Тажриба қилиб кўриш учун унинг ўзига шундай бригада тузишга ижозат беришди. Бригада тузилди. Аъзоларнинг жами 31 киши бўлиб, улардан 13 йигит-қиз комсомол путёвкаси билан келган, ҳунарсиз, меҳнатга унча кўникмаган ёшлар эди. Кўплашиб буларга касб ўргатишди. Комплекс бригаданинг афзаллиги бир-икки ойдаёқ ҳаммага аён бўлиб қолди. Илгари шу бригада ойлик планни 140-150 процентдан бажариб, илғорлар сафида келган бўлса, энди ойлик топшириқни 200 — 250 процентга етказиб, трест бўйича энг олдинги бригада сифатида танилди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси бетон қориш ва ётқизиш, ғишт териш ва суваш, дурадгорлик қилиш ва том ёпиш, страпил қилиш, печь қуриш ва бошқа шу сингари ишларни бажаришни ўрганади. Ишда бекор туриб қолиш ҳоллари бўлмайди. Битта иморатни бошдан-оёқ битта бригада қўлдан чиқарса, иш сифати ҳам яхши бўлади, материаллар ҳам кўп тежалади.

Самат РАҲМОНОВ.

... 1959 йилнинг баҳор кезлари. Мамлакатда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари унвонини олиш учун мусобақа бошланиб кетди. Самат ҳам бу ҳақда бригадаси аъзолари билан маслаҳатлашди. Кўпчилик унинг фикрини қувватлади. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун ишдагина эмас, балки ўқишда ҳам, шахсий турмушда ҳам чинакам коммунистларга хос тиришқоқ, олға интилувчан, беғубор ва маданиятли бўлиш талаб этилади.

Раҳмонов бригадасининг иши аъло эди-ю, аммо иккинчи ва учинчи шартларга келганда анча нуқсонлари бор эди. Хусусан Олимхон Ҳамидов қоришма ва ғишт ташиш, ҳар хил дастёрчилик ишларини бажаришдан бошқасини билмайди. Шуни ҳам ёлчитиб қилмайди. Иван Трёхин билан Михаил Дёмин кунда-кунора ишдан кейин, ҳатто баъзан иш вақтида ҳам ичкилик ичади. Бундан ташқари, бригаданинг деярли кўпчилиги ўқимайди.

Энди ана шу сингари камчиликларни тезроқ бартараф этишга ҳамма якдил киришди. Бригадирнинг аъзоларга талабчанлиги ошди. Прогулчиларга, дангасаларга, ўқишга камҳавасларга, ичкиликка майли зўрларга муросасиз, шафқатсиз бўлиб қолди. Натижада орадан кўп ўтмай, Михаил Дёмин ичкиликка бўлган ҳавасини ўқишга кўчириб, кон-қурилиш техникумига кирди, яна икки дўстини ҳам шу техникумга даъват этди. 5 киши, жумладан Иван Трёхин кечки ишчи-ёшлар мактабига ўқишга кирди, 12 киши марксизм-ленинизм кечки университетига, қолган 6 киши партия тарихини ва сиёсий иқтисодни ўрганиш тўгаракларига жалб этилди. Шундан кейин бригада аъзоларининг юриш-туришида, ҳатто муомаласида ҳам сезиларли ўзгариш юз берди. Улар руҳан ва ақлан ўсишди.

Бригада ўша йилиёқ биринчилар қатори коммунистик меҳнат коллективи деган унвонни олишга муяссар бўлди.

Шу қувончли кунларнинг бирида Раҳмонов иш билан қурилиш бошқармасига борган эди, ғалати маш-машанинг устидан чиқиб қолди. Безорилиги билан бутун шаҳарга отнинг қашқасидек танилган Абдураҳмон Сингатуллин бошқарма бошлиғи Геннадий Михайлович Полтэфнинг хонасида асаби қайнаган ҳолда қўлидаги кирка билан дағ-даға қилаяпти. Оғзидан боди кириб, шоди чиқаяпти. Ҳозир пул — «аванс» топиб берасан дейди бошлиққа у. Бошлиқнинг жони ҳалқумига келган.

Кабинетнинг ланг очиқ қолган эшигидан бу можарони кузатиб турган Самат шу заҳоти хонага кирди ва ҳеч гапдан хабари йўқдек:

— Ўзи нима гап? — деди Сингатуллинга яқинлашар экан.

Абдураҳмон ялт этиб Раҳмоновга қаради. Унинг кўзларида ўт чақнарди.

— Нима ишинг бор?

— Ўзингизни босиб олинг, — жавоб берди ҳамон вазминлик билан Самат. — Агар кучингизни кўрсатмоқчи бўлсангиз...

Шу пайт безори зудлик билан киркасини кўтариб, Раҳмоновни урмоқчи бўлди. Лекин собиқ моҳир разведкачи Саматнинг бақувват қўли кирканн тутиб қолди...

Сингатуллинни тинчитиб қўйишга қўйди-ю, аммо шу куни, ҳатто кечаси билан ҳам Раҳмонов у ҳақда ўйлади. Билса, унинг ёши қирқ бешларга борган экан, оиласи ва бола-чақаси бор-йўқлигини ҳеч ким билмас экан, умрининг кўп қисмини жиноят қилиш, қамалиш билан ўтказган бир дарбадар.

Нега у шундай бўлиб қолган? Уни одам қилиш наҳотки мумкин бўлмаса, наҳотки унда инсоний туйғулар, инсоф, диёнат, ўз қадрини билиш ҳисси сира қолмай, йўқ бўлиб кетган? Шу саволлар коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Раҳмоновнинг бутун фикри-зикрини банд этди.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ!

Юқори Чирчиқ районидаги „Политотдел“ колхози аъзолари оширилган янги социалистик мажбурият олдилар

ЯНГИБОЗОР, 14 февраль **(Ўз мухбиримиздан телефон орқали олинди).** «Политотдел» колхозининг клуби байрамдагидек безатилган. Иш куни тамом бўлганидан сўнг бу ерга пахтакорлар ва лубкорлар, чорвадорлар ва жўхорикорлар — кўпмиллатли коллективнинг вакиллари тўпландилар. Уларнинг юзларида қувонч. Ахир қувонмай бўладими. Улар тўғрисида Никита Сергеевич Хрушчев Закавказье республикалари қишлоқ хўжалик илғорларининг Кенгашида гапирди. Колхоз илғорларининг ишларини мақтади. Шунинг учун ҳам бугунги мажлисга тўпланганларнинг юриш-туришларидан ҳақли равишда фахрланаётганликлари сезилиб турарди.

Биринчи бўлиб колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. Г. Хван** сўз олади. У, КПСС Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга «Политотдел» колхози аъзоларининг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун миннатдорчилик билдиради.

— Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг бизга берган юксак баҳоси меҳнатда янги ғалабаларга руҳлантиради,— дейди у,— Биз ўз социалистик мажбуриятимизни қайта қараб чиқишга, етти йилликнинг учинчи йилида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бирмунча кўпайтиришга қарор қилдик. Биз ҳар гектар ердан 1900 центнердан маккажўхори кўкпояси ва 50 центнердан дон ҳосили олишга аҳд қилдик. Давлатга гўшт сотиш юзасидан икки йиллик планни бажарамиз, мамлакатга 700 тонна сут етказиб берамиз. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларига жавобан меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан жавоб берамиз.

Минбарда колхознинг донгдор сут соғувчиси **Роза Квон.** У 1960 йилда олган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарганлигини, ўзига бириктилган сигирлардан 98 тонна сут соғиб олганлигини айтади.

— Никита Сергеевич Хрушчевнинг бизнинг оддий меҳнатимизга берган баҳоси ҳаммамизни ҳам қувонтиради, фахрлантиради. Мен сигирларни механизация воситасида арча усулида соғишга ўтаман ҳамда ўз дугонам билан ҳамкорликда бу йил 400 тонна сут соғиб олиш мажбуриятини оламан.

Донгдор сут соғувчининг бу сўзларини мажлисга тўпланганлар қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сўз жўхорикор ўртоқ **Ли Любовга** берилади. У ўзи бошлиқ бригада 1960 йилда ҳар гектар ердан 1850 центнердан маккажўхори кўкпояси олган эди.

— Биз,— дейди у,— чорва молларини ширали ем-хашак билан таъминладик. Шунинг учун ҳам давлатга кўплаб чорвачилик маҳсулотлари сотишга муваффақ бўлдик.

Сўнгра у ўз бригадаси аъзолари номидан бу йил ҳар гектар ердан 1900 центнердан кўкпоя олиш мақсадида янги мажбурият қабул қилганликларини билдиради.

Шунингдек мажлисда **Эргашев, Мустафоқулов, Цой, Эм** ва бошқа колхозчилар ҳам сўзга чиқдилар.

Мажлисда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Р. Ғ. Ғуломов** нутқ сўзлади.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб бир овоздан янги, оширилган социалистик мажбурият олдилар. Улар пахта тайёрлаш давлат планини КПСС нинг XXII съезди очиладиган кунга қадар, социалистик мажбуриятни эса Улуғ Октябрнинг 44 йиллиги кунига қадар бажаришга қарор қилдилар.

Колхоз аъзолари кўтаринки руҳ билан КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев номига табрик хати қабул қилдилар.

Мажлисда область партия комитетининг секретарлари **С. М. Веселов, Х. Мусахонова,** область ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи **Б. Г. Мирзабеков** ўртоқлар ҳам иштирок этдилар.

КПСС МК январь ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ амалга оширамиз!

БАРЧА РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛИШ— ҲОЗИРГИ ПАЙТНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАСИ

Калинин районидаги Оҳунбобоев номли колхоз чорвадорлари бу йил бир йиллик гўшт планини чўчқа гўшти ҳисобига бажариш учун курашмоқдалар. Суратда: чўчқачилик фермасида. Чўчқабоқар Иван Токорев ва Ерёхина (чапда) ўртоқлар чўчқа болаларини кўздан кечирмоқдалар. Ёш ва ғайратли Анатолий Селевестрев (ўнгда) гўштга топшириладиган чўчқаларни бўрдоқига боқишда яхши натижаларга эришаётир

М. Нуриддинов фотоси.

МИРЗАЧЎЛНИ ГУЛЛАГАН ВОҲАГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Кўриқ ерларда боғ ва токзор

ЯНГИЕР, (ЎзТАГ). «Главголодностепстрой»нинг боғдорчилик — ишлаб чиқариш участкаларида қўриқ ерларда боғ ва токзорлар барпо этишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Дарахт кўчатлари ва ток қаламчалари ўтқазишда иш унуми юқори бўлган чуқурча қазувчи машиналардан биринчи марта фойдаланила бошланди. Машина бошқарувчилардан Раҳим Жабборов ва Николай Гашевскийлар ҳар сменада 800 тагача чуқурча тайёрлаб, кўпгина ишчиларнинг ишини бажармоқдалар. Механизаторлар далаларни текислаб ҳам бермоқдалар.

«Главголодностепстрой» дарахт кўчатлари ўтқазиш ва кўкаламзорлаштириш бошқармасининг бошлиғи Р. Г. Носиров ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай дейди:

— Етти йилликнинг учинчи йилида яқинда ташкил қилинган 4—5—6-совхозларда, «Фарҳод» совхозида. Янгиер борида ва бошқа хўжаликларда боғлар ва токзорлар барпо этилади. Янги боғ ва токзорларнинг жами майдони 1538 гектарни ташкил қилади. Шу мавсумда уч яримм миллион туп дарахт кўчати ва ток қаламчалари ўтқазилади. Ўзбекистоннинг илмий муассасалари қўриқ ерлар учун кўчат материалларининг районлаштирилган навларини тайёрлаб қўйдилар.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва бу институтнинг Мирзачўлда жойлашган таянч пункти олма, шафтоли, беҳи, анжирнинг янги навларини етиштирдилар. Бу йил қўриқ ерларда мевали дарахтлар ва токнинг 73 та янги нави ўстирилади.

МАЖБУРИЯТ— 40 ЦЕНТНЕР

Яқинда Янгиер шаҳридаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Сангил Орипов бошлиқ участка пахтакорлари 1961 йилги режаларини муҳокама қилиш учун тўпландилар. Ҳамма бригадалар ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда юксак мажбурият олдилар.

Ўртоқ Қодир Суяров бошлиқ бригада 1960 йилда 114 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ортиқроқ ҳосил етиштирган эди. Бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга кўтариш мажбурияти олинди. Бу вазифани бажариш учун, дейишди бригада аъзолари, об-ҳаво илиқ-иссиқ келаётган ҳозирги кунларда, айниқса, унумли ишлашимиз керак, токи кўкламга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйилик. Ерда нормал нам ҳам бўлсин, далада мўл-кўл маҳаллий ўғит ҳам бўлсин.

Янгилишда участка бошлиғи ўртоқ Сангил Орипов сўзлаб, бу йил участка бўйича ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун асос борлигини айтди.

Участка пахтакорлари юксак мажбуриятга—40 центнерга катта ишонч билан қўл кўтардилар.

С. СУЛТОНОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИНАДИ

1-«Оҳангарон» сутчилик ва сабзавотчилик совхозининг 3-бўлим ишчилари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бўлим 30 гектар ерга сабзавот, 55 гектар ерга маккажўхори ва 150 гектар ерга бугдой экади. Т. Илёсов, С. Сайдазов, Д. Қўшматов ўртоқлар сингари моҳир трактор чиларнинг унумли ишлаши туфайли ерлар вақтида шудгор қилиб қўйилди. Ўртоқ У. Омонов бошлиқ аравакашлар қиши билан далага маҳаллий ўғит ташиб чиқардилар.

2-«Оҳангарон» совхозининг 3-бўлимида ҳам ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлган маҳаллий ўғит тайёрлашга катта эътибор берилаётир. Бўлимда 600 тонна маҳаллий ўғит тайёрланди.

Т. ШЕРАЛИЕВ,
У. ПЎЛАТОВ.

3-бригада бошлиғи ўртоқ ЦОЙ ХАЙ МЕН.

2-бригада бошлиғи ўртоқ ТЕН СЕРГЕЙ.

В. Бирюков фотолари.

УСТА ШОЛИКОРЛАР

ТЎҚАЙ ЎРНИДА...

Қўйлиқдан ўтиб, Тўйтепага борадиган катта йўл бўйидаги баҳайбат Чивинтепанинг қачон бино бўлганлиги номаълум. Лекин яқин вақтларгача унинг атрофи чангалзор, қамишзор тўқай ва батқоқликдан иборат бўлиб, ёввойи чўчқалар, шакаллар макони эканлигини кўп кишилар билади. Бу ерлардан кечалари эмас, ҳатто кундузлари ҳам ўтиш қўрқинчли эди.

1937 йилдан бошлаб ана шу ерларда қамиш капалар тикилиб, одамлар ўрмалаб қолди, тракторларнинг гуриллаган овози эшитила бошлади. Совет кишиларининг фидокорона меҳнати ва техниканинг қудратли кучи билан асрлар бўйи ерни чангаллаб ётган қамиш, буталар илдизи билан қўпориб ташланди. Янги зовурлар қазилиб, ботқоқликлар қуритилди, сизот сувлар коллекторларга сиздирилиб юборилди. Ўша йили колхоз 235 гектар қўриқ очиб, 1938 йилда 211 гектар ерга шоли экилда ҳамма ҳайратда қолган эди.

«Полярная звезда» колхозининг порлоқ тарихи ана шундай бошланади. Ҳозир ўша тўқайлардан асар ҳам қолмади. Унинг ўрнида коллектив хўжалигининг кўркам посёлкаси қад кўтарди, янги пахтазорлар, шоликорликлар, боғлар бунёдга келди. Азамат колхозчиларнинг шоли, пахта ва бошқа экинлардан йил сайин юқори ҳосил етиштириш йўлида қилган фидокорона меҳнатлари СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан муносиб тақдирланди. Колхоз аъзоларидан 15 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, уларнинг кўкрагига Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали тақилди. Колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хванинг яқинда қишлоқ марказига ўрнатилган ҳайкали қаҳрамонларнинг авлод-авлоди учун абадий ёдгорлик бўлиб қолди.

Колхоз аъзолари шоликорлик агротехникасини ҳам яхши эгаллаб, муттасил юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Шу билан бирга, йил сайин янги ер очиб, экин майдонининг кенгайтирилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши натижасида иқтисодий жиҳатдан энг фойдали бўлган пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун ҳам кенг йўл очилди.

Агар 1941 йилда колхоз 400 гектарга шоли, атиги 10 гектар ерга пахта экқан бўлса, 1960 йилга келиб колхознинг умумий пахта майдони 1440 гектарга етди, ҳар гектардан 27 центнер ўрнига 28,4 центнердан «оқ олтин» етиштирилди. 311 гектар ерга экилган шолининг ҳар гектаридан 32,2 центнер ўрнига 43,9 центнердан ҳосил олинди. Шолидан чорва моллари учун 116 тонна кепак, 500 тонна похол жамғарилди. 274 гектар беданинг ҳар гектаридан 57 центнердан хашак, 166 гектар маккажўхоридан ҳам мўл кўкпоя йиғиб олинди. 1038 гектар майдондаги дон экинларидан 1600 тонна ғалла, сабзавотнинг ҳар гектаридан 256 центнердан, полиз экинларидан 365 центнердан, картошкадан эса 97 центнердан ҳосил етиштирилди.

Колхоз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган план ва мажбуриятларни деярли барча соҳалар бўйича тўла ва ошириб адо этди. Ҳозир колхознинг чорвачилик фермаларида 777 бош қорамол, шу жумладан 230 бош сигир, 2573 бош қўй-эчки, 642 бош чўчқа ва 3989 та парранда боқилмоқда.

Колхознинг 1960 йилги умумий даромади, янги пул билан ҳисобланганда, бир ярим миллион сўмдан ошади. Шу жумладан шолидан 42 минг сўмдан ортиқ даромад қилинди. Колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига пулдан ва бошқа маҳсулотлардан ташқари, бир килограмм-у 300 граммдан шоли тақсимлаш мўлжалланмоқда.

ШОЛИКОРЛИКДАГИ БОЙ ТАЖРИБА

Колхозда пахтачиликдан кейин шоликорлик асосий ўринни эгаллайди. Колхоз аъзоларининг, айниқса, шоликорликдаги иш тажрибаси ҳаммага намуна бўлар-

«Туркманистонда, Тожикистонда ва Ўзбекистонда суғориладиган шу қадар кўп ерга эга бўлишнинг нималигини тасаввур қила оласизми! Уч миллион гектар суғориладиган ерга шоли экиладиган бўлса, 900 миллион пуддан кўпроқ (гектаридан 50 центнердан ҳосил олинганида) шолига эга бўлиш мумкин. Шу районлардаги илғор шоликорлар қандай муваффақиятларга эришаётганларига бир назар солинг. Улар шолининг гектаридан 73 центнердан ва ҳатто 80 центнердан ҳосил олмоқдалар».

(Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқидан).

лидир. Бу ерда шолидан мўл ҳосил етиштиришнинг ажойиб усталари бор. Тен Сергей бошлиқ 2-бригада аъзолари ўтган йили 83 гектар ернинг ҳар гектаридан 48,8 центнердан, Цой Хай Мен бригадаси 82 гектардан 47,8 центнердан шоли олди. Булар янги агротехника усулларини қўлланиб, шолидан юқори ҳосил олиш билан бирга, уруғликни саралаб, давлатга юқори сифатли уруғлик шоли етказиб беришга ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Колхозда асосан Ўзбекистон шоликорлик тажриба станцияси етиштирган «УзРОС—7—13» ва «УзРОС—7» сорт уруғлари экилади. Бу юқори ҳосилли сорт шолининг дони йирик бўлиб, тупи ётиб қолмайди ва дони тўкилмайди, гурунчининг сифати яхши бўлади, шу билан бирга касалликларга чидамлидир. Колхоз ўзининг уруғлик участкасида ана шу қимматли сорт уруғликни етиштириб, ўз эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, ҳар йили давлатга 140—150 тонна уруғлик шоли сотаяпти.

Колхоз шоликорлари ерни экишга юқори сифатли қилиб тайёрлаш, уруғни энг яхши муддатларда экиб олиш, ўсимликни бегона ўтлардан тозалаш ва озиқлантириш ишларини ўз вақтида ўтказиш учун зўр бериб қурашмоқдалар. Даставвал, шолипояларни кузда чуқур шудгор қилиб қўйилади, эрта кўкламда шудгор бороналанади, зарур бўлган ерлар дискаланади ва мола босилади. Ернинг паст-баландлигига қараб пол олинади.

Уруғлик дон гозалайдиган машинада яхши тозаланиб, гўнг шарватида ивитилади. Экиш эса колхоз бўйича 12—15 кунда — 5—10 майдан кечиктирилмасдан тамомланади. Шундан кейин асосий эътибор уруғликни текис ундириб олиш, ҳар гектарида белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминлаш, шолини бутун ўсиш давомида суғориб туриш, бегона ўтлар, айниқса курмакнинг ўсишига йўл қўймасдан, ўз вақтида ўтоқ қилиб туриш ва ўсимликни минерал ўғит билан озиқлантиришга қаратилади.

— Биз 1960 йилнинг ҳосилига илгариги йилнинг кузидан бошлаб тайёргарлик кўрган эдик, — дейди колхоз агрономи ўртоқ Ким Наху, — 1959 йилнинг кузида шоли ўриб олингандан кейин самолёт билан ҳар гектар ерга 300 килограммдан суперфосфат сепиб, ҳамма еримизни шудгор қилиб қўйган эдик. Эрта кўкламда шудгор зигзаг билан бороналандч. Айрим ерлар дискаланди. Бу тадбир ернинг ўнкир-чўнқир жойларини текислашга ҳам ёрдам берди.

Шундан кейин ер шароитига қараб ўрта ҳисобда ҳар гектарига 150 килограммдан уруғ сепилди. Шу билан бирга, уруғни текис ундириб олиш учун полдаги сувнинг қалинлиги 7—8 сантиметрдан оширилмади. Серўт жойларда майсалар униб чиққунча сувнинг баландлиги бегана ўтларнинг ўсиш нуқтасидан 4—5 сантиметр юқорироқ қилиб олти-етти кун бир таҳлитда тутилди.

Одатда поллардаги сув исиган сари бегана ўтлар ҳам тез йўқолади. Лекин сувнинг ортиқча исиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бунда шоли майсалари ҳам нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун поллардаги сув меёридан ортиқча исий бошласа, дарҳол полдаги сувни оқизиб юбориб, ўрнига янги сув тўлдирилади. Шундан кейин ўсимликнинг аҳволи, бегана ўтларнинг ривожланиши ва участканинг паст-баландлигига қараб полларга 12—15 сантиметргача сув бостирилади.

Шолидан юқори ҳосил олишда суғоришни тўғри олиб бориш катта аҳамиятга эгадир. Колхозда ернинг шароитини ва шолининг талабини яхши билиб суғорадиган уста сувчилар бор. 3- бригада аъзоларидан Ким Бен Гер, Ким Георгий, Мин Хам Мен, 2- бригада аъзоларидан Ли Ен Сон, Ким Сандор, Хен Дук Сой каби тажрибали кишилар сувчилик вазифасини бажарадилар.

Колхоз шароитида экишдан кейин 2—3 ҳафта ўтгач, шолини ўтоқ қилишга киришилади. Бунда бирйўла икки иш бажарилади: бегана ўтлар илдизи билан суғириб олинади, шу билан бир вақтда қалин ўсган жойлардаги майсалар кўчат қилиниб сийрак жойларга ўтказиб кетилади.

Биринчи ўтоқдан кейин 20—25 кун ўтгач, иккинчи ўтоқ қилинади. Бу, асосий ўтоқ ҳисобланиб, экин орасидаги бегана ўтлар батамом йўқ олишга қаратилади. Ўрилган шоли 2—3 кун далага ёйиб қўйилади. Сўнгра боғ-боғ қилиб марзаларга тўпланади ва 10—15 кундан кейин хирмон жойларига ташиб, янчишга киришилади.

ШОЛИКОРЛИКНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРАЙЛИК

Колхознинг шоликорлари деҳқончилик маданиятини кўтариш, шолидан мўл ҳосил етиштиришда кейинги йилларда агротехниканинг бир қанча янги усулларини қўллана бошладилар. Маълумки, бир ерга ҳа деб шоли экила-берса, ер ориқлаб камҳосил бўлиб қолади. Бунга йўл қўймаслик учун бирдан-бир чора пахта далаларидаги сингари шолипояларда ҳам алмашлаб экишни йўлга қўйишдир. Шунга биноан колхоз уч далали шоли-маккажўхори алмашлаб экиш схемасини тузиб чиқди. Ана шу схемага мувофиқ бир далага икки йил шоли экилиб, учинчи йили маккажўхори экилади. колхоз ўтган йилдан бошлаб шу усулга кўчди.

Шоликорликда алмашлаб экишни жорий этиш ҳосилни ошириш билан бирга, экинни парвариш қилишга сарфланадиган қўл меҳнатини кескин камайтириш имконини ҳам беради. Чунки ҳозиргача шоли етиштириш учун сарфланадиган меҳнатнинг деярли ярми шолини ўтоқ қилишга кетади. Агар алмашлаб экиш тўғри жорий қилинса, икки йил усти-устига шоли экиш натижасида бегана ўтлар ва уларнинг уруғлари асосан йўқолади, учинчи йили маккажўхори экиш билан тупроқнинг структураси яхшиланади.

Шоли энг кўп меҳнат талаб қиладиган экин. Лекин шоликорликда ҳозирча ер ҳайдаш, пол олиш, ўғит сепиш ва шолини янчишдан бошқа ишлар механизациялаштирилгани йўқ. Уруғ сепиш, уни тупроққа қоришгириш, айниқса ўтоқ қилиш каби энг оғир ишларни колхозчилар ёз бўйи сув кечиб юриб бажарадилар. Ҳатто шу вақтгача шоли уруғини экиш ва ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ишлари ҳам машиналаштирилган эмас. Бунга сабаб шолипояларнинг яхлитлаштирилмаганлиги, қинғир-қийшиқлиги ва ўнқир-чўнқирлар яхши текисланмаганлигидир. Шунинг натижасида шолипоялар майда чекларга бўлиниб кетган. Уларнинг кенглиги 0,2 сотихдан ошмайди. Карталарнинг тахминан 20 процентини марзалар эгаллайди. Табиий, бундай майда бўлтакларга сеялка билан шоли экиш ва ҳосилни машина билан ўриб олиш мумкин эмас. Бу эса шоли етиштириш учун қўл меҳнатини кўп сарфлашга ва маҳсулот таннархининг қимматга тушишига сабаб бўлмоқда. Ўтган йили колхозда етиштирилган бир центнер шолининг таннархи ўрта ҳисобда янги пул билан 13 сўм 80 тийинга тушди. Агар карталар яхлитлаштирилиб, юқоридаги ишлар механизациялаштирилса, шоликорликка сарфланадиган қўл меҳнатини тенг баравар камайтириб, янада мўл ҳосил етиштириш ва шолининг таннархини 50 процент арзонга тушириш мумкин бўлади.

Шуни ҳисобга олиб, колхоз кейинги вақтларда шолипоя майдонларини яхлитлаштиришга, пастбаланд ерларни машиналар билан текислашга киришди. Айрим полларнинг кенглиги ярим гектарга кенгайтирилмоқда. Бу эса шоли уруғини сеялкаларда экиш ва ҳосилни машинада териш учун кенг йўл очиб беради.

Шу муносабат билан илмий-текшириш муассасалари олдига шоликорликдаги оғир ишларни енгиллаштирадиган машиналар яратиш юзасидан талаблар қўйилмоқда. Шоликорларимизнинг бу ҳақли талабларини эътиборга олиб, уларни оғир меҳнатдан қутқазиш олимларимиз ва конструкторларимизнинг шарафли вазифасидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида мамлакатимизда шоликорликни ривожлантириш учун жуда катта резервлар борлигини ва унинг истиқболларини кўрсатиб берди. Бу кўрсатма айниқса Тошкент областига кўпроқ тааллуқлидир. Чунки областимизнинг Чирчиқ, Оҳангарон ва Сирдарё соҳилларида, айниқса Мирзачўл ерларида шоликорликни ривожлантириш ва ундан юқори ҳосил етиштириш учун жуда катта имкониятлар ва битмас-туганмас резервлар бор.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг аъзолари Пленум қарорлари ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг кўрсатмаларини амалга ошириш учун астойдил ишга киришдилар. Экин майдонларини кенгайтириш, шоликорликда янги агротехника усулларини кенг қўлланиш тадбирларини кўрмоқдалар, етти йиллик режаларини қайта кўриб чиқмоқдалар. Колхоз шоликорлари 1961 йилда ҳар гектар ердан камида 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Илғор бригадалар эса гектаридан 50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Областдаги бошқа колхоз ва совхозлар ҳам илғорлардан ўрнак олиб, мамлакатга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга, мўл-кўл шоли етказиб бериш учун ҳам белни маҳкам боғлаб ишга киришишлари керак.

А. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.
Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ИНШООТЛАРИ КЕНГАЯДИ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш партия ва ҳукуматимиз диққат-марказида турган энг муҳим масалалардан биридир. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми томонидан илгари сурилган актуал масалалар ва қабул қилинган қарорлар бунинг ёрқин далилидир. Пленум ҳужжатларида қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи атрофлича анализ қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришнинг конкрет йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг кенг программаси ҳам ана шу ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Маълумки, ерларни суғориш ва сув билан таъминлаш учун ирригация муттасил ҳосил олишнинг ишончли воситаси бўлиб қолди. Ирригация пахта, шоли, маккажўхори каби қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамиша керакли миқдорда олиб туришга имкон беради. Бинобарин, ирригация ва мелиорация ҳар қандай иқлим шароитида ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишнинг муҳим омилидир.

Шунинг учун ҳам ирригатор олимлар ва шу соҳанинг мутахассислари ирригация шохобчаларини янада кенгайтириш ҳамда экин экиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича самарали иш олиб бораётирлар. Шу жумладан, областимиз ирригация шохобчаларини кенгайтиришнинг конкрет планлари ишлаб чиқилди.

Сув хўжалиги қурилиши бўйича 1961 йил учун тузилган программага кўра, область территориясида янги канал, тўғон ва сув омборлари қуришга ўтган йилдагига қараганда кўп маблағ сарфланади. Оҳангарон дарёсининг оқимини тартибга солиш мақсадида 185 миллион кубометр ҳажмдаги Туябўғиз сув омбори қурилишини жадаллаштириш ва уни тугаллашга жиддий эътибор берилади. Натижада мазкур дарё сувидан унинг атрофидаги ерларни суғориш учун кенг имконият тугилади.

Кейинги йилларда Пискент, Бўка ва Оққўрғон районларидаги айрим колхоз ва совхозлар ҳамда РТСлар кучи билан 10 минг гектар бўз ва қўриқ ер ўзлаштирилди. Йил охиригача янги ўзлаштирилган 3,5 минг гектар ер экишга тахт қилиб қўйилади.

Мирзачўлда янги ўзлаштирилган ерларга шу йил баҳордан бошлаб экинлар экилади. Бунинг учун Қуйи Чирчиқ райони территориясидан ўтадиган «Р-К-10» канали сувидан фойдаланишга қарор қилинди. Машиналар ёрдамида суғориш иншоотларини ривожлантириш ҳисобига Бўстонлиқ районидаги бўз ва партов ерларни ўзлаштиришга киришилади.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, областда сув хўжалиги қурилиши талаблар даражасида олиб борилмаётир. «Узбекгидростой» трестининг Туябўғиз қурилиш-монтаж бошқармаси, Тошкент область суғориш системаси бошқармаси ва «Главголодностепстрой» ташкилотлари айби билан айрим ирригация шохобчалари қурилиши суст олиб борилмоқда. Бу ҳол бўз ва қўриқ ерларни ўз вақтида ўзлаштиришга катта тўсқинлик қилаяпти.

Бир-икки йил ўтар-ўтмас Хожибаланд, Таначи, Бўка каналларида ҳам сувдан тежаб-тергаб сарфлашнинг илғор методлари қўлланила бошланади. Чиноз, Янгийўл, Бўка, Оҳангарон ва Пискент районларида хўжаликлараро ирригация тармоқларини вужудга келтирилади ва кенгайтирилади.

Бу ишларнинг ҳаммаси тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилгандир. Суғориш учун секундига 6 — 8 кубометр сув олиш имконияти тугилади. Ерларни кўпроқ сув билан таъминлаш мумкин бўлади.

Келгусида айрим районлардаги ирригация иншоотларини реконструкция қилишга ҳам киришилади. Дастлаб Бекобод районидаги суғориш иншоотларининг коллектор-зовур реконструкциясини тайёрлаш тамомланади. Шунингдек, Ўртқилон зовурини тўла тозалаш ва охирги қисмини узайтиришга қарор қилинди. Бекобод, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларида ёпиқ коллекторларни қуришга киришилади.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги мавжуд эски суғориш системаларини реконструкция қилишга бундан кейин ҳам жиддий эътибор беради, хўжаликларга оталик ёрдамини кучайтиради. Шу мақсадда янги ирригация иншоотлари программаси ишлаб чиқилди. Чарвоқ гидроэнергия узели қурилиши ҳам ана шу программага киритилган энг муҳим объектлардан биридир. Бу узелда ҳосил қилинадиган энергия қуввати саноатни ривожлантириш имконини беради ҳамда суғориш тармоқларининг кенг истиқболини белгилайди.

Чарвоқ сув омбори Тошкент областида янгидан ўзлаштириладиган 150 минг гектар ерни суғориш имконини беришгина қолмай, айни вақтда Чирчиқ — Оҳангарон—Келес ҳавзаларини сув билан таъминлайди.

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқида кенг ирригация программаси — истиқболи катта ишдир деб, оқилона фикрни айтди. Шу туфайли Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги каттакатта ирригация ишларини олиб бориш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширади.

И. КУК,
Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг старший инженери.

ПАРРАНДА ЕТИШТИРИШ КУПАЙТИРИЛАДИ

МИРЗАЧЎЛ, (ЎзТАГ). Мирзачўлдаги наслчилик совхозининг коллективи Ўзбекистонда биринчи марта бройлер (жўжалигида боқиб семиртириладиган товуқ) боқишга киришди. Бу жўжалар тўғри парвариш қилинса, 16 ҳафта ичида бир килограммдан кўпроқ оғирликка эга бўлади. Ўзбекистон чорвачилик институтининг ходими Е. В. Рибина бу янги ишни ўзлаштиришда совхоз парандачиларига катта ёрдам берди. Парранда етиштиришнинг бу янги методини қўлланиш совхозга катта фойда берди. Жўжаларнинг бир кеча-кундузда семириши ортди, озуқа сарфи икки баравар камайди, меҳнат сарфи ҳам камайди. Хўжалик бройлерларни боқиб семиртириш ҳисобига товуқ гўшти етиштиришни анча кўпайтирди. Совхоз бу йил даврлатга икки йиллик план ҳажмида гўшт сотади.

2-«Оҳангарон» наслчилик совхози, Қорасувдаги паррандачилик фабрикаси ва Тошкент областидаги бошқа кўпгина хўжаликлар ҳам бу йил бройлерларни боқиш усулини ўргатишга қарор қилдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ ГВИНЕЯДА

КАНКАН, 14 февраль. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва президент Секу Туре кеча самолётда Канканга келдилар (Канкан — ўз катталиги жиҳатидан Гвинея республикасида иккинчи шаҳардир). Аэродромдан шаҳаргача бўлган бутун йўлни тўлдирган шаҳар аҳолиси уларни ниҳоятда самимий ва шод-хуррамлик билан кутиб олди.

Шаҳарнинг марказий майдонида Гвинея—Совет дўстлигига бағишланган митинг бўлди. Бу митингга 20 минг киши тўпланди. Митингда Канкан маъмурий райони демократик партия ташкилотининг бош секретари Фофана Калил табрик нутқи сўзлади.

Фофана Калил Совет ва Гвинея халқлари ўртасида карор топган дўстлик муносабатлари ҳақида, совет кишилари Гвинея республикасига кўрсатаётган ёрдам ҳақида гапиради.

Фофана Калил француз ҳарбий самолётининг Л. И Брежнев тушган самолётга қилган игвогарона ҳужумини қаҳр-ғазаб билан қоралади.

Митингда Л. И. Брежнев ва Секу Туре нутқ сўзладилар.

ЛАБЕ. 14 февраль. (ТАСС). Кеча Лабе шаҳрининг аҳолиси СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни самимий ва дўстона кутиб олдилар. Ҳурматли совет меҳмонини кутиб олиш учун шаҳарнинг ва шаҳар атрофидаги районларнинг ҳамма аҳолиси уйларидан чиқди, деб айтсак, муболаға бўлмайди. Л. И. Брежнев, Секу Туре ва Гвинея Республикаси миллат мажлисининг раиси Сайфулай Диалло аэродромдан тўппа-тўғри шаҳар майдонига томон йўл олдилар. Халқ билан лиқ тўлган майдон ўртасидаги трибуна Л. И. Брежнев ва Секу Туренинг портретлари билан безатилган. Трибуна тепасидаги шиорга қуйидаги сўзлар ёзилган: «Хуш келибсиз, Леонид Ильич Брежнев! Сизнинг Гвинея Республикасида бўлган вақтингизни хурсандчилик билан ўтказишингизни тилаймиз!».

Лабе райони демократик партия ташкилотининг бош секретари Амаду Теливель минбарга чиқди. Ҳурматли совет меҳмонининг шаҳримизга келганидан ғоят хурсандмиз, дейди у. Биз совет халқини биламиз, унинг мустамлакачиликка қарши, тинчлик учун ҳормай-толмай курашаётганлигини биламиз. Нотиқ айтадики, Гвинея халқи совет халқидан астойдил миннатдордир, француз мустамлакачилари Гвинея Республикасини яккалаб қўйишга уринганларида совет халқи Гвинеяга ёрдамга келди. Бу визит, дейди у дўстлигимизни мустаҳкамлайди, мустамлакачиликка қарши курашда кучларимизни жипслаштиради. Халқимиз кўп қийинчиликларга дуч келмоқда, аммо биз мустамлакачиларга бизнинг қолоқлигимиз, қобилиятсизлигимиз натижаси эмас, балки уларнинг мамлакатимизда хўжайинлик қилишлари натижаси эканлигини исботлаймиз. Нотиқ ўз сўзини: «Яшасин тинчлик, яшасин Совет-Гвинея дўстлиги!» деган сўзлар билан тамомлайди.

Сўнгра Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Гвинея Республикасининг президенти Секу Туре минбарга чиқади. У Гвинея мустақилликка эришганидан кейин янги дўстлар орттирганлиги, бу дўстлар унга беғараз ёрдам бераётганлиги тўғрисида гапиради. Президент Совет Иттифоқининг Гвинея Республикасига катта ёрдам бераётганлиги учун ташаккур изҳор қилади.

Митингнинг охирида Гвинея пионерлари Секу Туре ҳақидаги қўшиқни рус тилида ижро этадилар. Халқ қўшиқчилари Совет-Гвинея дўстлиги ҳақидаги ашулаларни куйлайдилар.

Дунё тасанно, офарин демоқда

Совет фани ва техникасининг янги зафари

ХИТОЙ

ПЕКИН, 13 февраль. (ТАСС). Совет Иттифоқининг космик фазони ўрганиш соҳасидаги ютуқлари виставкасини ва СССРнинг маданият ва санъат соҳасидаги муваффақиятларига бағишланган фотовиставкани очиш маросимига бугун эрталаб тўпланган Хитой пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари ва чет эл дипломатлари Ернинг оғир сунъий йўлдоши учирилганлиги ва бундан планеталараро автоматик станцияни Венера планетаси траекториясига олиб чиққан ракетанинг парвоз қилганига «Жуда соз», «Улуғвор иш», «Ажойиб муваффақият», «Совет фанининг янги зафари» деб баҳо бердилар.

Машҳур хитой физиги Ван Дэчжао ТАСС мухбири билан суҳбатда совет коллегаларимизнинг муваффақиятидан хурсандман ва бу билан фахрланаман, деди.

Совет фани ва техникасининг янги буюк муваффақияти Совет Иттифоқининг қудратидан ва тез тараққий этаётганлигидан далолат беради, фан ва техникани ривожлантириш учун чексиз имкониятлар очиб берган социалистик тузум устунлигининг ёрқин ва яққол далилидир.

ПОЛЬША

ВАРШАВА, 13 февраль. (ТАСС). Польша радиоси ва телевидениеси Совет Иттифоқида Венера планетасига олиб борадиган траекторияга планеталараро автоматик станция учирилганлиги тўғрисидаги хабарни эшиттириш учун ўз эшиттиришларини тўхтатдилар. Бу муҳим воқеа Польшанинг ҳамма ерида дарҳол маълум бўлди. Бу ерда Венера томонига совет ракетасининг учирилганлиги совет олимларининг янги буюк муваффақияти эканлигини таъкидламоқдалар.

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. 13 февраль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар беради: Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси директорининг ўринбосари доктор Хью Драйден Совет Иттифоқида космик ракета Венера планетасига муваффақиятли суратда учирилганлиги тўғрисида ТАСС ахборотини шарҳлаб, қуйидагиларни айтди: «Қўшма Штатларнинг ана шундай космик ракетани учира олиши учун камида бир ярим-икки йил вақт керак бўлади». Унинг айтишича, Қўшма Штатлар «зарур тезликдаги қувватга эга бўлган чоқда» ана шундай космик ракетани учиришга ҳаракат қилиши мумкин.

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ, 13 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги планеталараро совет автоматик станциясининг Венера планетаси траекториясига чиқарилганлиги тўғрисида ўзининг биринчи информациясида: «Молния. Оғир йўлдош бортидан бошқариладиган космик ракета учирилди, бу ракета Венера планетасига томон учиб бормоқда», деб хабар берди.

Агентликнинг ахборотида, аввало, планеталараро автоматик станциянинг оғирлиги таъкидланади. «Планеталараро автоматик станция мўлжалланган орбитага яқин орбита бўйлаб учмоқда»,— дейилади агентликнинг бошқа хабарида. Франс Пресс агентлиги Москва вақти билан кундуз соат 12 да станциянинг Ер юзасидан қандай масофада бўлганлигини, унинг координатларини ва Венерага қачон етиб боришини ҳам таъкидлайди.

ИТАЛИЯ

ПАРИЖ, 13 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Касалеккьо-ди-Ренода (Болонья яқинида) яшовчи ҳаваскор итальян астрономи Фернандо Фанти кеча Гринвич вақти билан соат 18 да (Москва вақти билан соат 21 да) Венера планетасига қараб йўл олган совет планеталараро автоматик станциясини кўрган бўлса керак. Ф. Фантининг айтишича, планеталараро автоматик станция Орион юлдузлар туркумидаги Ригель юлдузи яқинида бўлган.

«Биз, — деди у, — воқеаларнинг ривожланишини иштиёқ билан кузатиб борамиз ва русларнинг ўз тажрибалари натижалари тўғрисида илм аҳлига хабар беришларини кутамиз».

Суратда: (чапдан, 1-қаторда) мукофотланган медиклардан профессор З. Умидова, 2-касалхонанинг бош врачи Ғ. Ризаев, бўлим мудири В. Распопова, ҳамширалар Л. Соколова, (2-қаторда) В. Юлина, А. Грабарева ва А. Васильева ўртоқлар.
М. Нуриддинов фотоси.

БУЗИЛМАС БИРЛИК

ПЕКИН, 13 февраль. (ТАСС). Дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасида тузилган шартноманинг 11 йиллигини нишонлаш юзасидан бугун Пекинда космик фазони ўрганиш соҳасида Совет Иттифоқи қўлга киритган ютуқлар виставкаси ҳамда маданият ва санъат соҳасида СССР ютуқлар фотовиставкаси очилди. Пекин «Гугун» музейида совет сунъий йўлдошларининг макетлари билан, космосни забт этишда совет халқи эришган жуда катта ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўпдан-кўп схемалар фотографиялар ва диаграммалар билан, шунингдек Совет Иттифоқининг адабиёт, театр, тасвирий санъатнинг хилма-хил турлари, кинематография ва маданиятнинг бошқа соҳаларида қўлга киритган муваффақиятлари ҳақидаги экспонатлар билан қизиқиб танишдилар.

Виставкани очиш вақтида чет эллар билан маданий алоқа ишлари билан шуғулланувчи комитетнинг раиси Чжан Си-жо, СССР нинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси С. В. Червоненко ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Тошкент астрономик обсерваториясининг директори В. П. Шчеглов нутқ сўзладилар.

ОРДЕНИНГИЗ МУБОРАК!

—Орденингиз муборак, қимматли Валентина Александровна!

— Хушхабар эшитдик, олий мукофотингиз қутлуғ бўлсин.

Қотмадан келган, кўзлари жиддий, аммо доимо меҳрибон боқувчи бу нуроний аёлни ана шундай табриклар билан қарши олишди беморлар.

— Ана холос, буларни қаранг-а, ахир мен нима иш қилиб қўйибманки... — хижолат тортаётгандай гапиради камтар аёл. Унинг кўзлари узоқларга тикилди...

30 йил халқ саломатлиги учун тинимсиз хизмат қилиш, неча юзлаб кишиларни энг оғир фалокатдан асраб, унга ҳаёт бағишлаш, қанча-қанча гўдакларни оёққа турғизиш ва ниҳоят шу давр мобайнида юзлаб шогирдлар етиштириш—буларнинг ҳаммаси ҳаяжонли хотиралар, албатта...

Валентина Александровна ана шу таассуротлар билан коридордан борар экан, сафдоши, Любовь Порфирьевнага дуч келди.

— Табриклайман, азиз Валентина Александровна, — деди ҳамшира устозига қараб.

— Ўзингни-чи, сени ҳам. Вера, Саша, ҳаммадан ҳам шулар мукофотланганн учун жуда хурсандман,— деди Валентина Александровна.

Бу меҳрибон халқ соғлиги посбонлари Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли 2-касалхонанинг врачлари ва ҳамшираларидирлар. СССР Олий Совети Президиумининг бир группа медицина ходимларини орден ва медаллар билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонига мувофиқ профессор Зулфия Умидова Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 2-касалхонанинг врачи Валентина Александровна Распопова Ленин ордени, бош ҳамшира Любовь Порфирьевна Соколова Меҳнат Қизил Байроқ ордени, касалхонанинг бош врачи Ғани Убайдуллаевич Ризаев Ҳурмат Белгиси ордени билан ҳамда ҳамшираларидан Александра Васильевна Васильева, Вера Ивановна Юлина ва Анна Васильевна Грабарева ўртоқлар «Шавкатли меҳнат учун» медали билан мукофотландилар. Бу юксак мукофот шу аҳил коллектив номига берилган юқори баҳодир. Шунинг учун ҳам камтар Валентина Александровнага, ўз иш фаолиятингиз ҳақида гапириб бермайсизми, деб мурожаат қилганимизда:

— Бу ютуқ бир ёки икки кишининг ютуғигина эмас. Бутун коллективники. Биз қаерда ишламайлик, коллективнинг ҳамма аъзосини сидқидил билан ишлашга ундаймиз,— деди.

Агар сиз касалхонанинг таклиф ва шикоятлар дафтарини варақлар экансиз, унда шикоят эмас, бошдан-оёқ меҳр товланиб турган илиқ сўзларни ўқийсиз, чексиз раҳматлар, яхши тилак ва истаклар изҳор қилинганини кўрасиз. Уни ўқийсиз-у, ана шу нажоткорларга чексиз миннатдорчилик билдиргингиз келади.

Ф. УСМОНОВА.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 13 февраль. ТАСС мухбирлари Н. Крестников ва Г. Васильев хабар берадилар: Бугун Нью-Йорк вақти билан соат 11-19 минутда (Москва вақти билан соат 19-19 минутда) Конгодаги аҳвол масаласини муҳокама қилмоқ учун Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси очилди.

Конго бош министри Патрис Лумумбанинг, Конго сенати раиси Окитонинг ва мудофаа министри Мполонинг ўлдирилганлиги тўғрисидаги хабар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳаммани қаттиқ хафа қилди.

Бугунги мажлисда биринчи бўлиб Хаммаршельд сўз олди. Хаммаршельд Конго бош министри Патрис Лумумбанинг ўлдирилиши унинг зиммасига қандай жавобгарлик юкланганлиги тўғрисида ломмим демай, «фожиали характердаги воқеалар» тўғрисида риёкорлик билан «таассуф» билдирди ва «текшириш ўтказиш»га даъват этди.

АҚШ вакили Стивенсон ўзининг қисқача нутқида АҚШ президенти Кеннедининг мен «Лумумба ва сафдошларининг ўлдирилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, қаттиқ хафа бўлдим» деган сўзларини эслатиб ўтди. «Биз, АҚШ кишилари деди Стивенсон, ана шу фожиа рўй берганлигидан таассуф қилмоқдамиз». Америка делегати бош секретарнинг Конгодаги махсус вакили докладини ва Конгодан олинган сўнгги хабарларни кун тартибига киритиш тўғрисида Хаммаршельд қилган таклифни қувватлади.

Совет делегациясининг бошлиғи В. А. Зорин қаҳр-ғазаб билан нутқ сўзлади.

Мустамлакачиларнинг Конго халқига ва Африкадаги барча халқларга қарши жуда оғир жиноят қилганликлари, деди Зорин, Конго бош министри Патрис Лумумба ва унинг сафдошлари ваҳшиёна ўлдирилганлиги бугун маълум бўлиб қолди. Вазият воқеаларга янгича баҳо беришни очиқдан-очиқ талаб этмоқда. Мустамлакачиларнинг кейинги кунларда бутун дунё кўз олдида қилган шармандали найранглари уларни тамомила фош қилиб ташлади. Ана шу қабиҳ жиноятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу жиноят Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мовий ранг байроғи остида қилинди. Бу ерда Хавфсизлик Кенгашида, мажлисларни кечиктириш тактикасини ўтказиб келган кишиларнинг риёкорлиги эндиликда ҳаммага аён бўлиб қолди. Совет Иттифоқи ва Африка-Осиё мамлакатлари жиноят тайёрланаётганлиги тўғрисида кўп марта огоҳлантирган эдилар. Ана шундай хавфсираш ўринли эканлиги тамомила исботланди. Бельгиялик мустамлакачилар, уларнинг иттифоқчилари ва қўғирчоқлари қилинган жиноят учун тамомила жавобгардирлар. Чомбе, Мобуту, Касавубу ва Калонжи тўдаси жавобгарликдан қочиб қутулолмайди.

Совет вакили Хаммаршельднинг ўлдириш содир бўлганидан кейин, эндиликда «текшириш ўтказиш» тўғрисидаги таклифи ҳақида ғазабланиб гапирди. Бош секретарь ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги қўмондонлиги, деди совет вакили, ана шу жиноят иштирокчиларидир. Конгода рўй берган воқеадан кейин бош секретарга ҳеч қандай ишончимиз қолмади.

Вазият ўзгарганлиги сабабли, Зорин Хавфсизлик Кенгашининг мажлисини кечиктиришни таклиф этди. Хавфсизлик Кенгашининг ишида қатнашаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари, деди совет вакили, фожиали воқеалар тўғрисида бугун олинган хабарлардан хулоса чиқариб олишлари керак.

Англия вакили Хавфсизлик Кенгашининг иши давом эттирилишини таклиф этди.

Шундан кейин сўзга чиққан Бирлашган Араб Республикасининг вакили Лутфий бош министр П. Лумумба ва унинг тарафдорлари мустамлакачиларга қарши ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қаҳрамонона кураш олиб борганликлари учунгина уларни ўлдиришга олдиндан тайёргарлик кўрилганлигидан дарғазаб бўлганлигини билдирди. Конгодаги вазият кескин суратда ўзгарганлигини ва бу вазиятни пухта ўрганиб чиқиш зарур эканлигини эътиборга олиб, Бирлашган Араб Республикасининг вакили Хавфсизлик Кенгашининг мажлисини чоршанба кунгача кечиктириш кераклигини айтди.

Цейлон вакили, шунингдек иккинчи марта сўз олган АҚШ вакили Стивенсон мажлисни кечиктириш тўғрисидаги таклифни қувватладилар.

Хавфсизлик Кенгаши 15 февраль чоршанба куни мажлис ўтказишга қарор қилди.

РЕСПУБЛИКА ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон футбол федерациясининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Федерация раисининг ўринбосари В. Сизов доклад қилди. Республикада футболни ривожлантириш юзасидан кейинги йилларда катта ишлар қилинди. Ўтган йилнинг ўзида футболчилар сони 13 минг кишига кўпайди. Ҳозир спортнинг бу оммабоп тури билан 50 мингдан ортиқ киши шуғулланмоқда. Футбол бўйича республика биринчилигида 538 команда қатнашди. «А» класс командалари ўртасида СССР биринчилиги мусобақаларида «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти командаси муваффақиятли ўйнади.

Лекин шунга қарамай, Ўзбекистонда оммавий футболни ривожлантириш масалаларига етарли эътибор берилмаётир. Жуда кўп мусобақалар уюшқоқсизлик билан ўтказилади. Область ва район марказларидаги стадионлар ва майдонлар қаровсиз ҳолда қолиб келмоқда. Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар ана шулар ҳақида гапирдилар.

Пленумда СССР футбол федерацияси президиумининг раиси, хизмат кўрсатган спорт мастери В. Гранаткин сўзлади. Ўзбекистонда футболни янада ривожлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Республика футбол федерацияси президиумининг янги состави сайланди. Ўзбекистон давлат физкультура институтининг директори Р. Исмоилов президиум раиси қилиб сайланди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Неча қалбларни эритган йигит

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Самат ўйлай-ўйлай ниҳоят ўйининг охирига етди. Юқоридаги жанжалдан икки кун кейин Раҳмонов бошқарма партия ташкилотига ариза берди. Аризаси: мен Валентина Гаганова ташаббусига қўшилиб, ўз илғор бригадамдан Сингатуллин ишлаётган ва Мустафо Али бошчилик қилаётган қолоқ бригадага ўтмоқчиман, шунга далолат қилсангиз, деган мазмунда эди. Партком ва касаба союз комитети унинг ташаббусини қувватлади. Раҳмонов «дангасалар бригадаси» деб ном чиқарган 15 кишидан иборат коллективга бош бўлиб ўтди. Эски бригадасининг пешқадам аъзоларидан 2 йигит ҳам унга ёрдамлашиш учун келди. Янги бригадир ишни аъзоларни ўрганишдан, ҳар бирининг хулқ-атворини, дилидаги муддаосини ўрганишдан бошлади. Бир ҳафта ана шундай «разведка» қилганидан сўнг у, янги бригадани оёққа турғизиш чиндан ҳам машаққат эканлигига иқрор бўлди. Гап бир Сингатуллиннинг ўзида эмас экан. Ундан бошқа яна бир неча ишёқмас, безориликдан қайтмайдиган йигитлар ҳам бор экан. Бунинг устига 7 — 8 кишининг ҳунари йўқ.

Самат бир ҳафтагача ҳеч кимга ортиқча ҳеч нима демай юраверди. Кечқурун эртага қилинадиган ишларни ҳар кимга тақсимлаб беради. Лекин эртаси куни мўлжалланган иш ярим-ёрти битади. Кўпчилик ҳали ҳам эскича «услуб»да ишлайверди: хушига келса ишга чиқади, хушига келмаса йўқ. Ишга чиққанда ҳам ўзини юз ёққа ташлаб, бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилида иш тутади. Аммо Самат ва унинг олдинги бригададан келган дўстлари уларга ғиринг демай, ўзлари зўр ғайрат-шижоат билан ишлардилар. Ғашига тегиш ва бирор гапни баҳона қилиб жанжал чиқариш, янги бригадирни ўз измларига қайириб олиш ниятидаги Сингатуллин ва унинг ноғорасига ўйнайдиган 3 — 4 йигит Самат ишлаб турганда унинг ёнига келиб, кунига бир неча марталаб папирос чекиб туришади. Лекин Самат пинагини бузмай ишлайверади. Пичингларга ғоқат қилди. Бир ҳафта зимдан ана шундай кураш кетди. Бу — қайсарлик, жанжалкашлик, ишёқмаслик билан меҳнатни коммунистчасига ташкил этишга, қолоқ кишиларни тарбиялашга аҳд қилган йигитнинг иродаси, сабр-тоқати ўртасидаги кураш эди. Самат шу курашда ғалаба қилишига ишонар ва бутун ҳаётий тажрибасини, фикри-зикрини шунга қаратганди. Шу мақсадда у «Пўлат қандай тобланди», «Спартак» романларини, энг севимли китоби «Педагогик поэма»ни яна бир мартадан ўқиб чиқди. Островский ва Макаренко унга ҳам руҳий мадад, ҳам қимматли маслаҳат беришди.

Бир ҳафтадан сўнг Самат бригада аъзоларининг йиғилишини ўтказди. У кўп гапирмади.

— Келинглар, ўртоқлар, — деди у,— очиқчасига гаплашиб олайлик: шу аҳволда номусга қолиб, ёмон ном билан юраберамизми ёки бошқача иш тутамизми? Ялқовлик оқибатини ҳаммаларинг кўриб турибсизлар. Оладиган авансингиз расчётга, расчётингиз авансга етмайди. Чойпули топсангиз эгнингиз йиғлайди. эгнингизни бутлайман десангиз — қорнингиз. Бу ҳам унча эмас-ку лекин танбал, безори, пиёниста деган ном билан бош кўтариб юриш, кўпчиликнинг нафратига дучор бўлиб кун кечириш инсон учун қанчалик малоллигини тушунинглар. Сизлар ҳам инсонсизларку, сизларнинг ҳам қалбингиз, ҳис-туйғуларингиз борку. Наҳотки кўра-била туриб ўзингизни ўзингиз ерга урсангиз. Агар одам бўламиз, ишлаймиз десанглар бир-икки ойда юзага чиқасизлар. Мен ва шерикларим қўлимиздан келганича ёрдам берамиз. Йўқ десанглар, ундагисини айтинглар...

Ҳамма жим. Бир неча минутлик сукутдан сўнг бир ёш йигит ўтирган жойида пўнғиллади:

— Биз ёмон отлиқ бўлганмиз, энди ҳар қанча қилган билан яхши кўринмаймиз.

Бошқа бир неча киши ҳам шу мазмунда гапирди. Сўнг кетма-кет уч киши қизғин нутқ сўзлади: бизлар ҳам кўп қатори ишлашимиз, ўзимизни меҳнатда оқлашимиз мумкин, деган мазмунда гапиришди. Сингатуллин оғзига талқон солгандек жим ўтираверди.

Йиғилишда энди ғайрат билан ишлашга қарор қилинди. Шу ерда Раҳмонов бир тадбир ишлатди: Абдураҳмон Сингатуллинни бетончилар звеносига бошлиқ қилиб тайинлади. Абдураҳмон безори ҳайрон, бошқалар ҳам ҳайратда.

Эртаси куни эрталаб Раҳмонов звено бошлиқларига ишни тақсимлаб берди: Сингатуллинга «илгимос, шу иш бугун бажарилсин, жуда зарур, энди буёғи сизга боғлиқ» деб қўшиб қўйди. Сингатуллин индамай бурилиб, ўз йигитлари олдига кетди.

Иш бошланди. Сингатуллин худди бировга жаҳл қилаётгандек зарда билан ишларди. Унинг звеносидаги соябарвар йигитлар ҳам бошлиқнинг азойи бузуқлигини билиб, одатдагича имилламай илдам-илдам қимирлашарди. Кун исий бошлади Бетон еткизаётган ялқовларга белкурак ҳам оғирлик қила бошлади. Тер аъзойи-баданларидан сувдек оқабошлади. Лекин нечундир Сингатуллин ҳар кунгидек белкуракни иргитиб жўнаб қолаётгани йўқ. Ер тагидан шерикларига қараб қўяди. Раҳмоновга зимдан разм солади. «Бизнинг роса тилимиз осилди-ку, у бўлса парво қилмайди» ўйларди Сингатуллин. Лекин Раҳмонов ҳамма нарсани сезиб турганди.

— Қани йигитлар, бир пас дам олайлик,—деди у ҳаммага қарата. Раҳм ва меҳрибончилик юзасидан айтилган бу гап Сингатуллинга қаттиқ таъсир қилди. У яна баттарроқ асабийлашиб, ишни яна жадалроқ давом эттирди. Худди кучига куч қўшилгандек бетон қоришмани заминга зарб билан иргитарди. Раҳмонов унинг ёнига борди.

— Абдураҳмон ака, — деди у мулойимлик билан, — тушки таҳта кечгача етмайдиганга ўхшайди. складга бориб олиб келасизми, бошқа киши борса, ундиролмайдими дейман. Ўша бўлмаса, ишимиз тўхтаб қолади.

Сингатуллин бригадирга бир қараш қилди. Унинг ўт чақнаб турган кўзлари Саматнинг сокин, меҳр тўла боқишига дуч келди. Бу тўқнашувда қаҳр устидан меҳр ғолиб чиқди. Сингатуллин жилмайди. Унинг бу жилмайишида жуда кўп маъно бор эди. У белкуракни бир чеккага қўйиб, склад томон йўл олди...

Сингатуллин ишга аста-секин кўникабошлади. Самат ниҳоятда эҳтиёткорлик, тадбиркорлик билан Сингатуллинни ва унинг звеносидаги танбал, безори ва ичкиликбозларни бир ой деганда бирмунча эпга олди. Кишининг кўнглини кўтариш, унга ҳурмат билан қараш, ишончини қозониб, сўнг юрагига ўт солиш жуда қийин иш. Раҳмонов шунинг уддасидан чиқди. Биринчи ойнинг ўзидаёқ бригада планни ошириб бажарди. Иккинчи ойида. Самат Сингатуллинга шундай маслаҳат солди: «Бўз йигитлардан ўн кишини олиб ҳунар ўргатсак, одам қилсак, шунга нима дейсиз?» Сингатуллиннинг кўнгли кўтарилиб кетди. Бригадир, ҳаммага танилган Раҳмонов ундан маслаҳат олаяпти!

— Бўлади. — деди у ясама лоқайдлик билан.

— Ундай бўлса икки кишини ўзингизга оласиз, ҳам иш ўргатасиз, ҳам тарбиялайсиз, — деди Раҳмонов.

... Янги қабул қилинганлар ичида Георгий Чориев деган йигит ҳам бор эди. У қўли эгрилиги туфайли неча жойдан ҳайдалган, охири Оҳангаронга келиб, дуч келган жойда ётиб юрган қайсар, ишла деса имони қирк газ сачрайдиган йигит экан. Афти-башараси, кийим-бошига қараб бўлмайди. Раҳмонов ва унинг шериклари бу қаровсиз ўғрини ҳам тарбиялашга аҳд қилдилар. Раҳмонов деярли кўпинча Чориевга айтмоқчи бўлган гапларини Сингатуллин орқали айтар, «шу болани сиз одам қиласиз» дерди.

Сентябрь ойида беш киши ғишт теришни ўрганди, 3 киши сувоқчиликни. Шу ойда бригада нормани 200 процентга яқин бажарди. Илгари ойлик планни 80 процентдан оширолмай юрган ва кунига 17 сўмдан юқори ҳақ ишлолмаган бригада аъзолари бу ойда кунига 47 сўмдан ишлашипти! Октябрь ҳам шундай якунланди. Шу ойда Саматнинг ташаббуси билан бригада аъзолари Чориевга яхши бир костюм олиб беришди. Ҳурмат ва инсоний қадр-қимматни унутаёзган безори Георгийга бу совға жуда бошқача таъсир этди. Унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

... Улуғ Октябрь байрами муносабати билан бошқарма коллективининг тантанали йиғилиши давом этаётир. Илгари йиғилиш деса заҳраси учиб, йўлни тескари солиб кетадиган Сингатуллин, собиқ одамови Чориевлар ҳам шу ерда. Доклад тамом бўлди. Маъмуриятнинг буйруғи ўқилабошлади. Биров соат, биров радиоприёмник, биров телевизор билан мукофотланаётир.

— Абдураҳмон Сингатуллин!— буйруқни ўқишда давом этди партком секретари. Ўз фамилиясини эшитиши билан Сингатуллин сапчиб тушди — Илғор бетончи, бошқарма Фахрий ёрлиғи билан мукофотланади.

Кучли қарсак кўтарилди. Сингатуллин ўз қулоқларига ишонмай қолди. Мазах қилишаётгандир, деган фикр ҳам унинг хаёлидан ўтди. Лекин ён-веридагилар уни туртқилай бошлашди: «Туринг, олиб келинг!» Сингатуллин минбарга қандай борганини ва қай алпозда клубдан чиқиб кетганини ўзи билмай қолди. Хушини йиғиб олганидан кейин ҳам қанчагача энтикиб юрди.

Қувонч устига қувонч. Эртаси куни бригада аъзоларининг йиғилиши бўлиб, кичик коллектив номидан уни пальто билан мукофотлашди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Сингатуллинни ўн кишилик дружиначиларга бошлиқ ва клуб назоратчиси қилиб тайинлашди. Чориев ҳам дружинага киритилди.

Шу ноябрь ойида бригадада иш ниҳоятда қизғин, ниҳоятда кўтаринкилик билан ўтди. Ойлик план 215 процент бажарилиб, бригада трест бўйича биринчи ўринни олди! Ана шундан кейин Раҳмонов энди биз ҳам коммунистик бригада унвони учун курашга қўшилайлик. деди дўстларига. Ҳамма уни қувватлади. Бригаданинг ҳамма аъзолари 2—3 хил касб ўрганди, коммунистчасига ишлаш билан бирга, коммунистчасига яшашга ҳам одатланди: ҳамма жамоат ишига, тўгаракларга жалб этилди. Ўтган йили баҳорда шарафли унвонга ҳам сазовор бўлишди.

* * *

... 1960 йили эрта баҳордан Оҳангарон райони билан Олмалиқ ўртасида, тоғ этагида, кимсасиз ҳувиллаб ётган чўлда Ўрта Осиё гигантларидан яна бири—йирик цемент заводи қурилишга киришилди. Бу объектнинг қанчалик муҳимлигини, янги қурилишга тажрибали мутахассислар жуда зарурлигини яхши билган Раҳмонов ўз шаҳрида биринчи бўлиб завод қурилишига отилди. Яқиндагина қуриб олган данғиллама участкаси, энди ҳосилга кирган мевалари ва токлари ҳам. хотинининг «шу ерда ҳам сизга иш тўлиб ётиптику, яна кўрпа-тўшакни кўтариб, бийдай чўлга бормасак биров сизга бир нима дейдими, бола-чақалик одам бўлсангиз, ҳа деб ўзингизни қийноққа ураверманг» деб ёлворишлари ҳам уни тўхтатиб қололмади. Не-не машаққатлар билан оёққа турғазиб олган бригадаси аъзолари, айниқса Сингатуллин уни аҳдидан қайтармоқчи бўлишди, кўп уринишди, ёлворишди, бўлмади. Ахир бўлмагач, «ундай бўлса ҳаммамиз бирга борамиз» дейишди. Шундай қилишди ҳам.

Янги ерга келгач, комсомол йўлланмаси билан келган, ҳунарсиз ёшлардан 20 йигитни бригадага қўшиб олишди. Уларга ҳам тезда касб ўргатишди. Бригада қандай ишлаганини қуйидаги рақамлардан билиб олақолинг. Иш февралдан бошланди — шу ойда план 233 процент. бажарилди. Мартда 243, апрелда 253. майда 225, июнда 256 процент ва ҳоказо. Хуллас, бригада февралдан йил охиригача, яъни 11 ойда 27 ойлик нормани бажарди. Ҳозир бу азамат бинокорлар 1962 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига ишламоқдалар. 48 кишидан иборат аҳил коллектив бир ойда 450 — 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажармоқда. Бунда ажойиб ватанпарвар, уддабурро бинокор, меҳрибон тарбиячи Самат Раҳмоновнинг ҳиссаси катта. У ана шундай самарали ишлари, ажойиб новаторлиги учун «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени ва «Фахрий бинокор» унвони билан тақдирланган.

З. ИСРОИЛОВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша залларида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/II да **Дилором** (12/II га сотиб олинган билетлар ярайди), 16/II да **Дон-Кихот.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15, 16/II да **Олма гуллаганда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/II да **Ошиқ Ғариб**, 16/II да **Равшан ва Зулхумор.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 17/II кеч соат 7 яримда **«Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти.** Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 17, 18, 19/II да Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишланган 2 бўлимда **Катта концертлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР да хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг сўнгги кунлари.** Томошалар давомида қизиқчи артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади.

КИНО

Ҳамза (янги бадиий фильм) — НАВОИЙ номли (кеч соат 8 да, ўзбек тилида).

Тўрт йўл — «ВАТАН», НАВОИЙ номли. «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
15, 16 февралда
Ўзбекистон ССР халқ артисти
КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВНИНГ

ижодий кечалари

Кечада: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, филармония солистлари **Жуманазар Бекжонов, Р. Отажонова, Раҳима Ҳакимова, Вилоят Оқилова, Неъмат Қулабдуллаев, Тоштемир Шарипов, Фозил Харротов, Раббим Ҳамдамов, Ғафур Иноғомов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01497. Нашр. В. 1533.